В соответствии с формулой buy-back или сделкой «обратного выкупа», иностранный инвестор вкладывает денежные средства в нефтегазовый проект в обмен на компенсацию, которая выплачивается инвестору не в денежном выражении, а именно в виде самой углеводородной продукции с учетом процента на такого рода денежные инвестиции¹ (так как обычно эти денежные средства представляют собой банковский займ, осуществляемый инвестором) и прибыли. Инвесторы выступают в качестве обычного подрядчика, не

имеющего доступ к процессу принятия решений по всему проекту. Таким образом, основные решения принимаются именно государством или национальной нефтяной компанией, его представляющей.

Основополагающим элементом сделок buy-back в ИРИ является, прежде всего, отсутствие выдачи лицензий, концессий или любого другого разрешения, удостоверяющего право собственности, в прямой или другой форме, на добытую или производимую углеводородную продукцию. Иностранному инвестору определяет свои обязательства по проекту разведки или добычи нефти или газа в блоках, определенных ранее государством, для достижения целей проекта, и в большинстве случаев эта цель – определенный уровень производства углеводородной продукции в указанный период. В случае вовлечения инвесторов в проект разведки, все риски по открытию месторождения принимаются именно инвестором. Далее, инвестор получает компенсацию, которая выражается в сумме вложенных средств, процента, которые немного выше (обычно в пределах 0.5-0.75%), чем обычный обще-банковский (применяется в таких случаях ставка LIBOR, которая определена, как признанный во всем мире индикатор стоимости финансовых ресурсов), в дополнение к оговоренной прибыли (которая обычно варьируется в пределах номинальной прибыли 13-21% или валовой прибыли в 30 -40%), и такая компенсация не должна превышать 60-70% от всей добытой продукции.

Типичная схема договора «об обратной покупке» категоризирует издержки на капитальные и некапитальные затраты, текущие расходы и выплаты, связанные с банковскими операциями и сделками. Капитальные затраты представляют собой расходы, которые компании несут в связи с созданием необходимой инфраструктуры для своих операций. Вторая категория затрат – некапитальные издержки – это те выплаты, осуществляемые нефтяными компаниями в бюджет, к примеру, налоги, таможенные выплаты и т.д. Текущие или операционные расходы – это те расходы, связанные с осуществлением нефтегазовой компанией своей текущей деятельности, т.е. те затраты, которые эта компания вынуждена нести, чтобы продолжать функционировать. В контексте трансакций «об обратном выкупе», эти операционные расходы относятся к тем текущим издержкам, которые компания несет до завершения операций и передачи проекта Национальной Нефтяной Компании Ирана. Банковские выплаты, или четвертая категория затрат, - это те издержки, связанные финансированием проектных работ, т.к. такого рода проекты, как было уже упомянуто выше, обычно всегда финансируются банковскими займами. Нужно отметить, что несмотря на то, что эти издержки возмещаются, степень возмещения, в отличие от механизма возмещения в схеме СРП, может варьироваться. Возмещение капитальных издержек, к примеру, может ограничиваться определенным уровнем допустимых затрат. Как и банковские издержки, некапитальные расходы, которые также определяются инвестором заранее, обычно возмещаются полностью.

Примечательно также, что, если расходы больше, чем ожидалось в соответствии с проектными документами, эти издержки также покрываются инвестором без права на их компенсацию, в то же время, если меньше, то компенсация инвестору не уменьшается, что стимулирует инвесторов повышать экономическую

¹ В контексте ИРИ, следует заметить, что несмотря на верховенство законов шариата и, вследствие этого, недопущение взимания процентов, схожих с займовыми/банковскими, учеными страны вынесено заключение по поводу именно легитимности взыскания таких процентов в транзакциях buy-back и их соответствия мусульманским нормам.

рентабельность предприятия и снизить по максимуму издержки.

Режим buy-back также отличается невозможностью внесения на баланс нефтегазовой компании будущей или текущей углеводородной продукции в случае обнаружения запасов нефти и/или газа. В этой связи следует заметить, что практика внесения в активы, если таковое право имеется, оказывает позитивное влияние на стоимость акций таких компаний и имеет широкое применение среди тех нефтегазовых компаний, которые зарегистрированы как публичные компании в агентстве, осуществляющем функции надзора и регулирования американского рынка ценных бумаг - Комиссии США по ценным бумагам и биржам.

В контексте вышеизложенного, стоит заметить, что внедрение соглашений «об обратном выкупе» может стать инструментом для защиты национальных интересов, повышению конкурентоспособности национальной нефтегазовой компании Узбекистана и наращиванию национальных мощностей. Исходя из анализа действующей практики в секторе недропользования, нами отмечается, что предоставление нефтегазовым компаниям права заключать соглашения с НХК «Узбекнефтегаз» на основе «обратного выкупа» на сроки, позволяющие таким компаниям обеспечить рентабельность проекта, отвечает общенациональным интересам, так как заключение таких соглашений, как было упомянуто выше, способствует, прежде всего, технологическому развитию сектора нефти и газа, в то же время оставляя за государством или государственной нефтяной компанией право самостоятельно принимать все решения по нефтегазовому проекту/проектам, что немаловажно, учитывая его стратегическое значение.

О. Исмаилов
ТДЮИ тадқиқотчиси

**ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНК ОМОНАТЛАРИНИНГ
ҚАЙТАРИЛИШИ КАФОЛАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК:
СОҲАГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ ВА ТАВСИАЛАР**

Фуқароларнинг банк омонатларини қайтариш кафолатларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муайян ижтимоий-ҳуқуқий воқелик билан боғлиқ саналади. Чунки, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиши бевосита иккинчи томон (контрагент)нинг ўз зиммасидаги муайян турдаги мажбуриятларни бажармаслиги билан ифодаланади ва (ёки) етказилган зарар дастлаб ҳуқуқбузарга нисбатан уни қоплаш мажбуриятини юқлайди ҳамда ҳуқуқбузарнинг мажбуриятни бажармаслиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтиради¹.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоя қилиш кафолатлари аввало ушбу омонатларни банк томонидан сир сақлаш тарзида тақдим этилади. Зеро, банкка қўйилган омонатларнинг сир сақланишининг кафолатларини Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган бўлиб, ҳар бир фуқаро омонатчи ўзининг бўш пул маблағларини ихтиёрий тарзда банкка киритишга ҳақлидир².

Фуқароларнинг банкка нисбатан ишончли муносабатда бўлиши, у билан банк омонати шартномасини тузиши ушбу келишувнинг ўзидаёқ томонлар учун муайян фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг муқаррарлигини билдиради. Фуқароларнинг банк муассасаси билан тегишли шартномага доир ўзаро ҳуқуқларни талаб қилиши ва мажбуриятларни бажариши томонларнинг ўзаро моддий жавобгарлиги вужудга келишининг дастлабки асоси сифатида белгиланадиган мазкур асос айнан шартнома билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Амалдаги фуқаролик қонунчилиги таҳлили асосан банк қабул қилиб олган омонатлар қайтарилишини таъминлаш учун зарур бўлган воситалар ҳамда усуллар қонун ва банк омонати шартномаси билан белгиланишини назарда тутгани ҳолда банк омонатчининг талабига мувофиқ омонатнинг қайтарилиши таъминланганлиги тўғрисида мунтазам ахборот бериши шарт эканлигини кўрсатади.

Банк омонати қайтарилишини таъминлашга оид шартнома мажбуриятларини бажармаган, шу билан бирга, омонатга қўйилган пул маблағларини йўқотган ёхуд шартнома шартларини бошқача тарзда бузган тақдирда, омонатчи банкдан омонат суммасини дарҳол қайтариб беришни, ЎзР ФКнинг 327-моддасига кўра эса унга фоизлар тўлашни ҳамда ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Зеро, қонун омонатни қайтариш усуллари ва воситаларига алоҳида аҳамият беради. Шу боис, банк омонатчилар олдида ўз мажбуриятларини бажармагани учун улар жавобгардир. Мазкур ҳолида тегишли соҳа қонунлари билан назарда тутилган бўлиб, банклар маблағларни сақлаш ва омонатчилар олдидаги ўз мажбуриятларини бажариши учун, жумладан, тўловлар бир банкдан бошқа

¹ Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари: Юрид. фан. номз. ...дисс. –Тошкент, 2006. – 11-12-б.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 18-б.

банкка ўз вақтида ўтиши ва маблағларни корхоналар ва ташкилотлар ҳисобрақамларига киритиши учун ўз миждоғлари ва омонатчилари олдида жавобгардирлар³.

Соҳавий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг гувоҳлик беришича, банкга киритилган омонатларни сақлашга доир мажбуриятларни тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш лозим. Банк депозит рақамларида сақланаётган пул маблағларини қайтариб бериш тўғрисидаги низолар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти нафақат банкнинг банкротлиги ҳолатида, балки банк ходимларининг ўз хизмат вазифаларини суъистемол қилиши натижасида ҳам ўз пул маблағларидан айрилиб қолиши ҳоллари учрайди.

Зеро, мазкур турдаги ишлар тоифаси бўйича кўпгина низоларнинг вужудга келиши айнан ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи махсус норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслигидан далолат беради. Бу борада эса энг аввало “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини суғурталаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш зарурати мавжуддир.

Шуни ҳам алоҳида тарзда таъкидлаш жоизки, хорижий давлатлар банкларига омонатчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари соҳавий қонун ҳужжатлари билан мустақкам муҳофаза қилинган. Ушбу ҳолатларни инобатга оладиган бўлсак, давлат банкларининг банкротлиги ҳолатида мазкур банкротликни бартараф этиш усуллари ва воситаларидан бири сифатида омонатчиларнинг пул маблағларидан фойдаланиш каби хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик масалалари ҳам биз юқорида қабул қилиш тақлифини илгари сураётган қонун ости ҳужжатида ўз ифодасини топиши зарур. Лекин, бу тақлиф этилаётган қонун ости ҳужжатида фақат шу ва шу билан боғлиқ нормаларни акс эттиришнинг ўзи етарли эмас. Чунки, фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизими нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, ушбу тизимни асосан учта турга бўлиш мумкин. Булар:

-банк омонатини суғурта қилишни тартибга солувчи нормаларга кўра амал қиладиган суғурта тизими;

-омонатларни кафолатлаш учун банк томонидан кўриладиган қонуний чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига оладиган мослашувчан тизим;

-юқорида таъкидланган икки тизимнинг муайян унсурларини ўзида мужассам этган аралаш тизим.

Фикримизча, банк омонатчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир банклар фаолиятида ушбу тизимларнинг баб-баравар амалда бўлиши муҳимдир. Шу ўринда мазкур банк омонатлари қайтарилишига доир суд иши материаллига эътиборни қаратайлик:

2010 йил 16 февралда Нукус туманлароаро фуқаролик ишлари бўйича судида кўрилган ушбу суд иши материаллари мазмуни шундан далолат берадики, даъвогар С.К.нинг жавобгар Нукус суғурта агенти ходими Д.Д.дан, шунингдек Нукус шаҳар омонат банки (ҳозирги Давлат тижорат халқ банки Қорақалпоғистон филиали)дан 13.621.000 сўм моддий зарар, 11.120.000 сўм маънавий зарарни, “Кафолат” давлат акциядорлик тижорат компанияси Қорақалпоғистон филиалидан 2.000.000., жами жавобгарлардан 25.841.000 сўмни ундириб бериши ва даъвоғи қаноатлантиришни сўраган.

Суд томонларнинг судта берган кўрсатмаларини, ишдаги иштирок этаётган прокурорнинг даъво аризасини

қаноатлантирмасдан қолдиришни сўраган фикрини тинглаб, ишда тўпланган далилларни судда аниқланган ҳолатлар билан таққослаб, даъво аризани қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топган. Чунки, бу суғурта ва омонат суммалари банка ўтказилаётган пайт 1992 йилга тўғри келганлиги боис, ўша пайтда нақд пул қиймати бирмунча паст эканлиги ҳамда бу борада суғурта ва банк ташкилотлари ҳам ўз мажбуриятларини вақтида бажарганликларини асос қилиб кўрсатган ва бу бўйича ўзларининг далил-исбот ҳужжатларини судга тақдим этган⁴. Бу каби суд амалиёти материалларини мазмунан таҳлил қилиш ҳам юқоридаги каби тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлади.

Амалдаги соҳа қонунчилиги таҳлили омонатчининг ҳисобварағига нафақат ўзи, балки учинчи шахсларни пул маблағларини қўйиш (ЎзР ФКнинг 767-моддаси), шунингдек бунга мувофиқ равишда учинчи шахс фойдасига омонат қўйиш (ЎзР ФКнинг 768-моддаси)ни ҳам тартибга солади.

Биринчи ҳолда банк учинчи шахслардан келиб тушган пул маблағларини, ўз ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотларни уларга берган омонатчининг розилигига эга бўлган ҳолда, омонатчи ҳисобварағига киритиши лозим.

Иккинчи ҳолатда, омонат бевосита омонатчининг ҳисобварағига эмас, балки муайян учинчи шахс номига киритилади. Масалан, ота-оналар ўз фарзанди номига омонат кўядилар. Бу ҳолда омонат суммаси банкка янги депозит ҳисобварақ очиш йўли билан амалга оширилади ва бу шартноманинг муҳим шарти номига омонат қўйилаётган фуқаро исми ёки юридик шахснинг номини кўрсатишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, банк ҳар қандай юридик шахс сингари ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бўлган бутун мол-мулк билан жавоб беради. Агар, банкнинг банкротлиги муассислар (иштирокчилар), банк мол-мулкни эгаси томонидан ёки банк учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган бошқа бир шахслар томонидан вужудга келтирилган бўлса, банкнинг мол-мулкни етарлича бўлмаганда, бундай шахслар зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин (ЎзР ФКнинг 48-моддаси).

Банк муассислари субсидиар жавобгарликка нафақат банк банкрот бўлганда, балки у омонатчи талабини қондиришдан бош тортган ёки унга оқилона муддатда жавоб бермаганда ҳам тортилиши мумкин (ЎзР ФКнинг 329-моддаси).

Банк ўз мажбуриятлари (омонатчига фоида тўлаш ва унга етказилган зарарни қоплаш)ни ЎзР ФКда белгиланган тартибда амалга оширади. Фоидалар омонатчи яшайдиган жойда, омонатчи юридик шахс бўлганида эса унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Омонатлар суд тартибда ундириб олинганда суд омонатчининг талабини даъво кўзғатилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириш мумкин (ЎзР ФКнинг 327-моддаси).

Фуқароларнинг банк омонати қайтарилиши кафолатларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш асослари юқорида таъкидлаганимиздек тегишли банк омонати шартномасидан келиб чиқади. Ушбу ҳолатда томонларнинг ўз мажбуриятларини ихтиёрий тарзда бажармаганлиги оқибатида келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги ҳақида гап кетмоқда.

³ “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни.//Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис Ахборотномаси 1995 йил 12-сон, 247-модда

⁴ Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судининг архив материалларидан.

Лекин, қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалдаги соҳа қонун ҳужжатлари билан белгиланган императив қоидаларни бажарилмаслик оқибатида вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳам борки, мазкур турдаги жавобгарлик омонатчига бевосита зарар етказиш учун асос ҳисобланмаса ҳам, тегишли банк омонати хизматларини тақдим этиш жараёнида уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларига муайян тарзда таъсир қилиши мумкин. Мисол учун, банк омонати шартномасини тарафи сифатида махсус банк хизматларини тақдим этадиган банк ва (ёки) бошқа кредит ташкилотлари фаолияти тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланган руқсатнома асосида амалга оширилиши лозим. Мазкур императив қоида билан банк омонати шартномасини бир тарафи сифатида омонатчи-истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг давлат томонидан кафолатланиши яққол намоён бўлади.

Ушбу қоида бевосита банклар фаолиятини лицензиялашга доир нормалар ўз аксини топган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Руйхати” билан назарда тутилган бўлиб, юқорида номи тилга олинган қонун ҳужжатлари мазмунига кўра, лицензиянинг амал қилиши куйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

- лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

- лицензияловчи органнинг аниқланган муайян қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи қарори лицензиат томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш лицензияловчи орган ёки суд томонидан амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиши лицензияловчи орган томонидан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга, суд томонидан ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Лицензияловчи органни лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга оид қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ҳамда лицензияловчи органга соҳавий қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензияловчи орган ёки суд лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун муддат белгилаши шарт. Бунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этишлари учун суд қарорида белгиланган муддат олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этганда, ушбу лицензияни амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни қабул қилган лицензияловчи орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгани тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензияни амал қилишини тиклаш ҳақида ўн кун муддат ичида қарор қабул қилиши шарт.

Лицензияловчи органнинг лицензияни амал қилишини тўхтатиб туришга оид қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензияни амал қилишини тўхтатиб туришни асосиз деб топганда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган

зарар миқдорида жавобгар бўлади. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳамда тиклашга оид маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак⁵. Шунингдек, юқорида тилга олинган Руйхатга асосан банк фаолияти (41-рўйхат) ва банклар томонидан, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасидаги операциялар ўтказиш фаолияти (42-банд) албатта лицензияланиши шарт⁶.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг банклардаги омонатлари қайтарилишини кафолатлашга доир соҳавий қонунчиликни туркумлаш ва уларни таснифлаш муҳим қонунчилик таҳлили ва тавсифини тақозо этади ҳамда соҳага оид тегишли нормаларни ва қоидаларни янада такомиллаштириш заруратининг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса тегишли қонунчилик механизмнинг мустаҳкамланишига, пировардида омонатчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар манфаатлари таъминланишига йўналтирилган янгича ҳуқуқий база шаклланишига замин яратади.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2000 йил 5-6-сон, 142-модда

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2002 йил 2-сон.

А.Опаев
ТДЮИ аспиранти

ПУЛ (ВАЛЮТА) МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бозор иқтисодиёти жамиятимиз ҳаётида тобора ўз аксини топаётган айни бугунги кунда хилма-хил турдаги иқтисодий муносабатлар доираси ҳам борган сари кенгайиб бормоқда. Хусусан, тадбиркорлик ва ушбу фаолият билан боғлиқ мажбуриятларни бажариш бошқа хил муносабатлар сингари нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириш муносабатларида ҳам ифода топмоқда. Бу каби муносабатлар эса умумий қоидага кўра фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинади. Бинобарин, айни пайтда давлатимиз томонидан олиб борилаётган пул-кредит сиёсати ҳам мана шу каби энг асосий устувор йўналишларни амалга ошириш ва миллий валюта тизимини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Зеро янгидан-янги иқтисодий муносабатлар таркиб топаётган ҳозирга шароитда пул (валюта) муносабатларини тартибга солиш боғлиқ масалалар ва уларнинг ечимига доир илмий-назарий концепциялар муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, фуқаролик ҳуқуқи нормалари турли субъектлар ўртасида шартнома мажбуриятларини бажариш вақтида юзага келадиган ҳисоб-китоб операцияларини ҳам тартибга солади. Бинобарин, фуқаролик - ҳуқуқий шартномаларни тузиш вақтида ушбу шартномаларда томонлар келишуви бўйича белгиланадиган ҳисоб-китоблар шартлари (шакли, муддатлари ва ҳ.к.) кўзда тутилган бўлиши лозим¹. Чунки, фуқаролик ҳуқуқининг предмети иштирокчиларини тенглиги, ихтиёрийлиги ва мулкий мустақиллигига асосланадиган мулкий ва шахий номулкий муносабатлардан таркиб топади. Амалдаги фуқаролик қонунчилигида эса валюта муносабатини бевосита тартибга солувчи бир нечта қоидалар мавжуддир (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81, 94, 95, 163, 196, 245-моддалари ва ҳоказо). Мазкур муносабатларни тартибга солувчи асосий қонунлар эса махсус тарзда қабул қилиниб, улар албатта Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг мазмунига асосланади.

Бунга мисол тариқасида айтиш мумкинки, сўнгги пайтларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада 3 млн.дан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилган, савдо ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида 12 мингга яқин терминаллар ўрнатилган².

Шу нуқтаи назардан, энг аввало “нақд пулсиз ҳисоб-китоблар” тушунчасига ҳуқуқ нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда унга қўйидагича тушунча бериш мумкин, яъни: “нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банк ҳисобварақларида тегишли суммаларни ёзиб бориш воситасида, яъни тўловчининг ҳисобварағидан

олувчининг ҳисобварағига маблағларни ўтказиш ёки ўзаро талабларни қарз суришиш йўли билан амалга ошири-ладиган тўловлар мажмуидир”.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомга мувофиқ улар юқорида кўрсатилган шакллар бўйича амалга оширилган вақтда, қуйидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланила-ди:

- 1) мемориал ордер³;
- 2) тўлов топшириқномаси;
- 3) тўлов талабномаси;
- 4) инкассо топшириқномаси;
- 5) аккредитив учун ариза;
- 6) тижорат банки ҳисоб-китоб чеки.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Умумий қоидага биноан, юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Агар қонундан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва бундай тартибни фойдаланилаётган ҳисоб-китоблар шакли тақозо этмаса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар уларда қатнашаётган шахсларнинг ҳисобварақлари очилган банклар, бошқа кредит ташкилотлари орқали амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 790-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари)

Бундан кўриниб турибдики, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар корхоналар ва ташкилотлар ўртасида қуйидаги ўзаро муносабаларни юзага келтирувчи воситачидир:

а) ўзаро муносабатлар (реализация қилинган то-варлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш);

б) молия тизими билан муносабатлар (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш);

в) кредит тизими билан муносабатлар (банк кре-дитларини олиш ва қайтариш);

г) юқори бошқарув органлари билан муносабатлар (маблағларни идора ичида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш)⁴.

Одатда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилганда тўлов топшириқномалари, аккредитивлар, чеклар билан ҳисоб-китоб қилишга, инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилишга, шунингдек қонунда, қонунга мувофиқ чиқариладиган банк қоидаларида ҳамда банк амалиётида қўлланилаётган иш муомаласи одатлари-да назарда тутилган бошқа шаклларда ҳисоб-китоб қилишга ҳам йўл қўйилади. Шартномадаги тарафлар ушбу кўрсатилган ҳисоб-китоб қилиш шаклларининг исталганини танлаб олишга ва шартномада назарда тутилган ҳақли. Шундай экан, мазкур турдаги ҳисоб-китоб турларини амалга ошириш орқали бевосита шартномавий муносабатлар, хусусан, пул (валюта)

¹ Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. II қисм. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. –Б.429–430.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 авгу-стдаги “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №ПҚ-433-сонли Қароридан кўчирма. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006 йил 31-32-сон 309-модда.

³ Фуқароларнинг (амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган) ёзма топшириқномалари бўйича пул маблағлари нақдинасиз ўтказмаларини амалга ошириш учун банклар томонидан фойдаланиладиган пул-ҳисоб-китоб ҳуж-жати.

⁴ А.Ли. Ўзбекистон Республикаси Молия ҳуқуқи. Тошкент – 2004, 338-бет

мажбуриятлари субъектлари маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Масалан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар етказиб берувчи билан харидор, етказиб берувчи билан банк, харидор билан банк ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни акс эттиради.

Шу билан бирга, бу ерда нақд пулсиз тўловлар ва, хусусан, пластик карточкалар билан амалга ошириладиган тўловлар мавжуд бўлиши мумкин, бундай тўловлар ҳақоннинг кўпгина мамлакатларида амалда қўлланимда ва бизнинг қонунчилигимизда ҳам назарда тутилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4 (60)-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом қоидаларига мувофиқ, пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар бир томондан ва маҳсулотни реализация қилувчи, ишни бажарувчи ёки хизматларни кўрсатувчи (кейинчалик матнда - савдо сотиқ ёки сервис хизмат корхоналари) юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар иккинчи томонда туриб ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек нақд пул берадиган шахобчалардан ва банкоматлардан нақд пул маблағларини олишда қўлланилади⁵.

Бундан ташқари, мисол учун, тарафлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига киришмоқчи бўлсалар (масалан оддийгина олди-сотди муносабатларига), маблағларни тўловчи ва олувчи ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг аниқ шакли тузилган шартнома (битим)га мувофиқ мустақил равишда белгиланади. Яъни сиз супермаркетга бориб кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олмоқчи бўлсангиз, супермаркетда сотувчи билан келишилган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида ҳисоб-китобни амалга оширишингиз мумкин.

Масалан, ҳозирда пул шаклида муомалада киритилган пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар бир томондан ва маҳсулотни реализация қилувчи, ишни бажарувчи ёки хизматларни кўрсатувчи (кейинчалик матнда - савдо сотиқ ёки сервис хизмат корхоналари) юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар иккинчи томонда туриб ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек нақд пул берадиган шахобчалардан ва банкоматлардан нақд пул маблағларини олишда қўлланилади.

Шу билан бирга, юридик шахс бўлмай туриб, ўз фаолиятини амалга оширувчи, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериб, нақд пулсиз ҳисоб-китобларга бевосита ўз хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ўзларининг банклардаги ҳисобва-рақларидан тегишли чорак учун муомала доирасида нақд пул маблағларини олишга ҳақлидир. Агар ушбу тадбиркорлар нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича савдо-воститачилик ва воситачилик (жумладан брокерлик) фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, уларга ўзларининг банкдаги талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақларидан республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 баробаригача бўлган миқдорда нақд пулларни олиш ҳуқуқи берилади. Шу муносабат билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларга муайян хусусиятлар хос бўлиб, улар икки омил билан боғлиқдир. Биринчидан,

ҳар бир ҳисоб-китоб операцияси учун айна бир вақтда уч қатнашчи мавжуд бўлиши шарт: банк, тўловчи ва олувчи. Уларнинг ҳисоб-китоб муносабатлари соҳасидаги ўзаро алоқалари кўп ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари билан тартибга солинади.

Иккинчидан, ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш тартиби Марказий банк томонидан белгила-ниб, ушбу муносабатларда у ўзига тегишли ҳукмронлик ваколатлари берилган давлат органи сифатида қатнашади. Шу сабабли ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш вақтида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи ва молия ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади⁶.

Таъкидлаш жоизи, ҳозирда тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз пул маблағларини эркин тасарруф қилиш тўғрисида ҳам махсус қонун қабул қилиш зарурати мавжуд. Афсуски ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектлари ўз маблағларини тасарруф қилиш имкониятлари чегараланган яна бунинг учтига нақд пул билан тўловларни амалга ошириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўртасида жиддий фарқлар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Бошқача айтганда муайян маҳсулотга нисбатан нақд пул билан сотиб олганда бир нарх, нақд пулсиз харид қилинганда бошқача нарх яъни қимматроқ нарх қўйилади. Холбуки мамлакатимизда ягона пул-кредит тизими амал қилади. Сўмининг харид қувватига нисбатан икки ҳил стандартларнинг мавжудлиги оқилона ҳолат эмас. Умуман олганда бунга барҳам бериш учун ҳуқуқий асослар белгилаб қўйиш вақти етди.

Юқоридаги билдирилган илмий-назарий ёндошувлар асосида фикримизча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларнинг бир тури сифатида белгиланадиган нақд пулсиз ҳисоб-китоб муносабатларига қўйидагича таъриф бериш мумкин, яъни: нақд пулсиз ҳисоб-китоб муносабатлари – бу фуқаролик муомаласининг субъектлари ҳисобланган резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги амалдаги валюта қонунчилиги ва (ёки) тегишли шартнома асосида Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси ва чет эл валютаси муомаласидан ташқари бошқа барча турдаги валюта қимматликларини олиш, уни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган муносабатлардир.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил 38-сон 425-модда.

⁶ Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. II қисм. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 429-б.

Б. Исрайлов
ТДЮИ тадқиқотчиси

**ХОДИМНИНГ ШАХСИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ
ҚОПЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК
ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида дастлабки ва муҳим норматив ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлиб ҳисобланади. Конституциянинг 13-моддасига мувофиқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият бўлиб ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, унга риоя қилиш ва ҳимоялаш давлат мажбуриятидир. Ўзбекистон Республикасида меҳнат ва фуқароларнинг соғлиғи муҳофаза қилиниши, ҳар бир шахс хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда ишлаш ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга эканлиги конституциявий нормалар сифатида белгиланган. Конституциявий нормаларнинг барча қонун ва қонуности ҳужжатларидан устувор кучга эга эканлиги меҳнат мажбуриятларини бажараётган вақтда жабрланган фуқароларга зарур ҳолатларда ўз ҳуқуқларини бевосита ана шу нормалар орқали ҳимоя қилиш қилиш ҳуқуқини беради.

Таъкидлаш лозимки, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш институтини ҳуқуқий тартибга солишда турли соҳа нормалари (фуқаролик, меҳнат, суғурта ҳуқуқи) бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Бу энг аввало ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи мутлоқ ҳуқуқлар бўлиб, биринчи навбатда фуқаролик-ҳуқуқий нормалар орқали ҳимоя қилиниши билан изоҳланади. Зарар етказилган келиб чиқадиган мажбуриятлар институтида ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу кодекснинг 57-бобида зарарни қоплаш тўғрисида нафақат умумий қоидалар, балки махсус нормалар ҳам назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1005-1016-моддалари ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид нормаларни ўз ичига олган бўлиб, унда мазкур муносабат иштирокчилари томонидан риоя қилиниши лозим бўлган энг муҳим умумий ва махсус қоидалар мужассамлашган.

Айни вақтда ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 12-боби қоидалари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Меҳнат кодексининг мазкур бобида мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти мустаҳкамланган. Шунингдек, мазкур ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”¹ги, 2008 йил 10 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий

суғуртаси тўғрисида”²ги, 2009 йил 16 апрелдаги “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун³ларида янада аниқлаштириб қўйилган.

Бундан ташқари, меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ бўлган бир қатор норматив қонуности ҳужжатлар қабул қилинганлигини ҳам эътироф этиш лозим. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом”⁴, 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари”⁵, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 11.05.1994 йил. 249-сон қарори билан тасдиқланган Ногиронлик меҳнатда майибланиш оқибатида келиб чиққан деб ҳисобланадиган ногиронлик сабаблари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини санаб ўтиш мумкин. Мазкур Қоидалар билан “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси”(1-илова), “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли кўрилган зарарни тўлаш тўғрисида буйруқ”, “Боқувчининг вафоти муносабати билан етказилган зарарни тўлаш тўғрисида буйруқ”(5 ва 5-1-Илова), “Аннуитетлар шартномаси”(6-Илова) каби иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини амалга оширишни таъминловчи зарур ҳужжатлар тўплами мавжуд бўлиб, уларда ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш механизмини амалга оширувчи энг муҳим қоидалар ва процессуал тартиблар мустаҳкамланган.

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашни ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларига нисбатан махсус ҳужжатлар орасида “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонуни алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва мазкур қонуннинг нисбати ҳақида шунини айтиш мумкинки, бу ерда Фуқаролик кодексининг 1005-моддасига таянилади, унга мувофиқ фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар бўйича келиб чиқадиган мажбуриятлар, агар қонун ёки шартномада жавобгарликнинг юқорироқ миқдори белгиланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда.

²Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й. 9-сон, 480-модда.

³Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 й. 4-сон, 137-модда.

⁴Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. 1997. 7-сон, 29-модда.

⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, 2005. 2-сон, 7-модда.

бўлмаса, Фуқаролик кодексининг 57-боби қоидалари бўйича қопланади. Шундай қилиб, бир тарафдан ушбу қонун билан белгиланган бошқа ҳолатларда меҳнат шартномаси бўйича мажбуриятларни ижро этиш вақтида ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига зид келиши мумкин эмас, бошқа томондан эса унда қарздор жавобгарлигининг юқориқ миқдори ҳақидаги нормалар белгилаб қўйилиши мумкин. Бошқа қонунларда ифодаланган фуқаролик ҳуқуқининг нормалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ келиши лозим. Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги махсус ҳуқуқий ҳужжатларнинг Фуқаролик кодексига мувофиқ келмайдиган қоидалари қўлланилишга тааллуқли эмасдир.

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги мавжуд қонунчилик ва уни амалиётда қўллаш масаласини таҳлил қилиш асосида, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш муносабатларида айрим камчиликлар борлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, биринчидан, ходимни зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашга бўлган ҳуқуқларига таъсир қилувчи амалдаги норматив ҳужжатларнинг нобарқарорлиги, яъни тез-тез ўзгариб туриши, иккинчидан, қонун ва қонуности норматив ҳужжатларидаги айрим нормаларида зиддиятларнинг мавжудлиги, шунингдек, зарар тўловлари миқдорини муайян даврда ошириб боришни таъминловчи аниқ қоидаларнинг мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бу борада ҳуқуқшунос олимлар Ш.Н.Рўзиназаров, М.Ю.Гасановлар фикр билдириб, зарарни ундириш тартибига оид қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида ҳавола нормаларга янгича ёндошувни ишлаб чиқиш талаб этилаётганлигини таъкидлашади. Зеро, ҳавола нормалар уни амалиётда қўллашни ҳам мураккаблаштиради. Юридик адабиётларда ҳам миллий қонунчиликнинг “тўғридан-тўғри” амалда бўлишини таъминлаш мақсадида уни тизимлаштириш ва ҳуқуқий тартибга солиш объекти доирасида нормаларнинг амалда бўлиши чегарасини белгилаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб келинади. Хусусан, М.Ю.Гасановнинг фикрича, Меҳнат кодекси, бир томондан, ҳозирги вақтда умумий ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига кирмаган бир қанча қоидалар билан, иккинчи томондан – турли даражалардаги қонуности ҳужжатларида қайд этилганига қарамай, уларнинг аҳамияти катталигини ҳисобга олиб, бевосита Кодексда белгилаб қўйилиши зарур бўлган меъёрлар билан тўлдирилиши керак¹.

Шу ўринда М.М.Мамасиддиқовнинг мазкур масалага оид фикрларини қайд этиш ўринлидир. Унинг таъкидлашича, жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация қилишнинг ҳуқуқий асосларини илмий-назарий ва амалий тадқиқ этиш талаб этилаётган бир даврда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, уларга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тартибини белгиловчи қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли таҳлил қилиш ва ушбу соҳани ҳуқуқий

тартибга солишда асосий устуворликни қонунларга бериш билан боғлиқ илмий муаммоларни ўрганиш шу тарзда миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга қаратилган илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади².

Хулоса ўрнида ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича миллий қонунчиликни таҳлил қилиш асосида, уни ривожлантиришнинг қуйидаги истиқболлари кўрсатиб берилади:

1) Зарарни қоплашга оид амалдаги қонун ҳужжатларини мониторинг қилиш.

2) Зарарни қоплаш назарияси ва амалиёти ривожланиш тенденцияларининг бир-бирига мослигини кўриб чиқиш.

3) Қўплаб ҳавола нормаларга барҳам бериш.

4) Зарарни қоплаш миқдорини қонун ва шартномалар орқали кенгайтириш имкониятини белгилаб бериш.

5) Зарарни қоплашни таъминловчи нормаларнинг барқарорлигига эришиш.

6) Зарарни қоплашни тартибга солувчи турли қонунчилик нормалари ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш.

7) Қонун ҳужжатларининг тизимлигини таъминлаш.

Зарарни қоплашга оид хорижий давлатлардаги илғор қоида ва ғояларни миллий қонунчиликка тадбиқ этиш.

¹Гасанов М.Ю. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси: янада такомиллаштириш масалалари// Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома, 2007. 3-сон, 28-бет.

²Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари./ - Т.: АҚҲМИ. 2008. 23-бет.

Н. Раимова
Соискатель ТГЮИ

ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НАРУШЕНИЕ ПРАВА НА КОНФИДЕНЦИАЛЬНУЮ ИНФОРМАЦИЮ

За нарушение прав на конфиденциальную информацию могут быть наложены различные виды правовой ответственности, в частности:

- гражданско – правовая;
- уголовно – правовая;
- дисциплинарная;
- административно – правовая.

Невольно может возникнуть вопрос: неужели данное исследование о конфиденциальной информации, осуществляемое в рамках цивилистического подхода, может стать объектом и других отраслей права? В этом вопросе мы солидарны с нашим наставником О.Окюловым, который полагает, что «здесь нет ничего неестественного, так как, во - первых, к сожалению, любое цивилистическое исследование на сегодняшний день традиционно оканчивается наложением уголовно – правовой ответственности; во – вторых, объекты интеллектуальной собственности (мы полагаем, что конфиденциальная информация также к ним относится) до сих пор остаётся за рамками других правовых дисциплин, поэтому цивилистам приходится возлагать на себя эту обязанность; в – третьих, в центре внимания автора данного исследования, так или иначе, будет именно гражданско – правовая ответственность»¹.

Гражданско – правовая ответственность. Для нормального развития гражданского оборота характерно, что его участники надлежащим образом исполняют обязательства. В тех же случаях, когда обязательство не исполнено или исполнено ненадлежащим образом, говорят о нарушении обязательств. В целях предотвращения подобных правонарушений и устранения их последствий и устанавливается гражданско-правовая ответственность за нарушение обязательств в виде санкции за совершенное правонарушение.

Вопрос о понятии гражданско-правовой ответственности является спорным в юридической науке. Некоторые авторы выделяют так называемую позитивную ответственность, под которой понимается неуклонное, строгое, предельно инициативное осуществление всех обязанностей². Мы не вполне согласны с данным высказыванием, так как применительно к ответственности в сфере обязательств такая ответственность фактически совпадает с надлежащим исполнением обязательств. Между тем надлежащее исполнение обязательств и гражданско-правовая ответственность подчиняются различным правилам и в силу этого не могут воплощаться в одних и тех же действиях должника. Пока имеет место надлежащее исполнение обязательств, нет места для ответственности. И наоборот, наступление ответственности исключает надлежащее исполнение обязательств.

Неудачным, на наш взгляд, представляется и определение гражданско-правовой ответственности, данное Алексеевым С.С., как регулируемой обязанно-

сти дать отчет в своих действиях³. Обязанность дать отчет в своих действиях может иметь место и тогда, когда нет правонарушения. Кроме того, закрепленные в нормативных актах меры гражданско-правовой ответственности вовсе не сводятся к отчетам о своих действиях, а воплощают в себе вполне реальные и конкретные отрицательные последствия для правонарушителя в виде возмещения убытков, уплаты неустойки, потери задатка и т.п., о которых впоследствии пишет и сам автор рассматриваемой точки зрения.

С. Н. Братусь под ответственностью понимает меры государственного или общественного принуждения, включая понуждение должника к исполнению принятой на себя обязанности в натуре⁴.

Такой подход приводит, на наш взгляд, к отождествлению понятий «санкция» и «ответственность», поскольку на принудительную силу государства опирается любая санкция, предусмотренная в нормативном акте. Между тем необходимо различать меры гражданско-правовой ответственности и иные предусмотренные законом способы защиты гражданских прав, которые целесообразно именовать мерами защиты гражданских прав.

В соответствии с мировой практикой нормы о гражданско-правовой ответственности за нарушение права на коммерческую тайну содержатся как в нормах гражданского законодательства, так и в нормах законодательства о недобросовестной конкуренции. Основной мерой гражданско-правовой ответственности, применяемой к нарушителю права на коммерческую тайну, как в отечественной, так и в зарубежной практике, является возложение на него обязанности возместить потерпевшей стороне убытки, которые могут охватывать (если законом или договором сторон не предусмотрено возмещение убытков в меньшем размере) как реальный ущерб, так и упущенную выгоду. Для применения данной меры ответственности к нарушителю обладатель коммерческой тайны, право которого нарушено, обязан доказать, что сведения, полученные нарушителем, отвечают требованиям, установленным законом к сведениям, составляющим коммерческую тайну, и что нарушитель получил доступ к таким сведениям незаконным способом, а также обосновать размер убытков⁵.

Принимая во внимание объективные трудности определения размера убытков, причиненных нарушением права на коммерческую тайну, мы считаем целесообразным предусмотреть в отечественном законодательстве возможность применения к нарушителю права на коммерческую тайну (в качестве альтернативной возмещению убытков меры гражданско-правовой ответственности) следующей санкции. Такая санкция могла бы предполагать возложение на нарушителя права на коммерческую тайну обязанности по выплате денежной компенсации обладателю коммерческой тайны, право которого нарушено, в размере, определяемом хозяйственным судом в установленных законом пределах в случае невозможности определе-

³ Алексеев С. С. Проблемы теории права. – М., 2002. Т. 1. – С. 371.

⁴ Братусь С. Н. Юридическая ответственность и законность. М., 1996. – С. 83.

⁵ Гуляева Н. С. Коммерческая тайна в предпринимательской деятельности: Сравнительно-правовое исследование законодательства РФ, зарубежных государств и международно-правового регулирования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 25.

¹ О.Окюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Т., 2004. – Б. 284.

² Гражданское право. Том 1. Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. – М.: Статут, 2001. – С. 537.

ния точного размера убытков, подлежащих возмещению нарушителем.

Так, по ч. 1 ст. 242 УК РУ мы можем привлечь к ответственности лишь организаторов, руководителей, а также лиц обеспечивающих существование и функционирование преступного сообщества, к последним относятся лица которые могут и не совершать преступлений в его составе но, обеспечивающие преступное сообщество материально, информационно, технически или любой другой поддержкой. Тем самым ч. 1 ст. 242 УК РУ исключает ответственность лиц участвующих и совершающих преступления в преступном сообществе или в ее интересах. Ответственность за участие таких лиц содержится в ч. 2 ст. 242 УК РУ, однако подобное участие возможно в случае, если данные лица являются участниками не преступного сообщества, а вооруженной группы. Таким образом, по ч. 1 ст. 242 УК РУ, если строго следовать букве закона мы можем привлекать к ответственности лиц за создание или руководство преступного сообщества, но не за участие в самом преступном сообществе и совершение конкретных преступлений преступным сообществом.

Следовательно, на наш взгляд целесообразно установить ответственность в ч. 1 ст. 242 УК РУ не только за создание и руководство, но и за участие в совершении преступлений преступным сообществом. Учитывая групповой характер совершения преступлений составляющих незаконный оборот наркотических средств или психотропных веществ, участники преступного сообщества подлежат уголовной ответственности за совершение деяний, предусмотренных ст. 270, ст. 271, ст. 273 УК РУ по совокупности со ст. 242 УК РУ. Или как вариант, мы предлагаем установить квалифицирующие признаки совершения преступлений преступным сообществом в указанных преступлениях, а в статье 242 УК РУ как и прежде, предусмотреть ответственность лишь за создание, руководство и обеспечение преступного сообщества. Кроме этого мы считаем, что широкое применение подобных квалифицирующих признаков возможно и в других преступлениях, что положительно скажется в борьбе с организованной преступностью.

Одной из современных разновидностей преступных объединений являются легально существующие юридические лица – фирмы, корпорации, общества и т.п. деятельность которых может быть частично или полностью криминальной. Однако единственным пробелом привлечения к ответственности таких преступных форм является то, что уголовное законодательство в отличие от административного не устанавливает ответственности юридических лиц.

¹ Нургалиев Б.М. Организованная преступная деятельность (уголовно-правовые, процессуальные и криминалистические аспекты): Монография. – Караганда, 1997 г. – С. 48-49.

² Комментарий к Уголовному кодексу Республики Казахстан. Отв. редакторы Борчашвили И.Ш., Рахимжанова Г.К. – Караганда: РГК ПО «Полиграфия», 1999 г. – С. 93.

³ Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Том 5. Учебник для ВУЗов. – Т.: Изд. «ТГЮИ», 2009 г. – С. 12-13.

Преступный характер и степень общественной опасности деятельности юридических лиц сегодня, на наш взгляд, нуждается в уголовно-правовой оценке, так как выходит за пределы возможностей административно-правового воздействия. Общественная опасность совершенных деяний юридическим лицом значительно выше и несопоставима с аналогичной преступной деятельностью физических лиц.

Так, по утверждению Дж. Флетчера и А.В. Наумова признание юридических лиц субъектами преступления не означает отступления от классического принципа личной ответственности физического лица за совершение преступления, поскольку «ответственность юридических лиц вполне может сосуществовать с принципом личной виновной ответственности и дополнять его».¹

Так, М.Х. Рустамбаевым отмечается необходимость установления уголовной ответственности юридических лиц, а также соответствующего расширения системы наказания для подобных субъектов. По его мнению, систему наказания могут составлять штрафы, значительно превышающие размеры, предусмотренные для физических лиц, а также приостановление деятельности юридического лица, его «ликвидация».²

Подобной точки зрения придерживается и М.Г. Миненок который считает что признание юридического лица субъектом преступления, дает возможность применять, предварительно дополнив систему наказаний, такие виды наказания, как ликвидация юридического лица, ограничение территории деятельности. Эффективными могут быть и ныне существующие виды наказания – штраф, конфискация имущества, лишение права заниматься определенной деятельностью.³

Таким образом, на наш взгляд следует расширить понятие субъекта преступления, включив в него юридических лиц, которые могут представлять собой различные формы соучастия, такие как организованные группы или преступные организации.

¹ Флетчер Дж., Наумов А.В. Основные концепции современного уголовного права. М., 1998 г. – С. 488.

² Рустамбаев М.Х. Уголовное законодательство Узбекистана: история создания, действительность, перспективы развития. // Проблемы совершенствования уголовного законодательства: Сб. науч. тр. / ТГЮИ. – Ташкент, 2010 г. – С. 32.

³ Миненок М.Г. Проблемы борьбы с организованной преступностью. // Организованная преступность: уголовно-правовые и криминологические проблемы: Сб. науч. тр. / Калинингр. ун-т. - Калининград, 1999.

Х.Каримов
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари
катта ўқитувчиси

ҚИЙНОҚНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида жиноятчилик ва унга қарши курашиш муаммоси энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жамият билан бир пайтда вужудга келган жиноятчилик барча замонларда ҳам мавжуд бўлган. Шу туфайли ҳам у ижтимоий хусусият касб этади, жиноятчилик ва жамиятнинг ўзаро алоқаси, уларнинг бир-бирига таъсири айна шу омиллар билан белгиланади.

Техника тараққиёти, эволюция жараёнида ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви, ривожланишнинг янада юксакроқ даражасига кўтарилиш шакл-шубҳасиз ижобий хусусиятга эга бўлса-да, бу жараёнлар жиноятчиликнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган, боз устига унинг асослари ва ҳатто маълум даражада унинг сабаблари сифатида амал қилган. Бу гап бошқаларга нисбатан шафқатсизлик, шу жумладан қийноқлар қўллаш билан боғлиқ жиноятларга ҳам тегишлидир. Бу ерда масаланинг цивилизация ва техник жиҳатларини ажратиш мумкин. Биринчи жиҳат шу билан тавсифланадики, инсон цивилизациясининг мавжудлиги ва ривожланиши гносеологик контекстда юз берган, яъни билиш имкониятига, билим (сезгилар, тасаввурлар, тушунчалар)нинг объектив воқелик билан ўзаро нисбатига асосланган. Шу туфайли ҳам билимнинг ҳаққонийлиги шартлари ва мезонларини яратиш муҳим вазифалардан бирига айланган. Қийноққа солиш қадим замонлардан бошлаб айнан далиллар олиш усули сифатида қаралган. Фақат ХХ асрга келиб процессуал фаолиятда қийноқлар қўллашдан *расмий даражада* воз кечилди. Бироқ ўрта асрлар психологияси ва анъаналари ҳанузгача сақланиб қолган. Буни қийноқлар қўллаш фактларининг ўзиёқ тасдиқлайди.

Маълумки, ҳар қандай жиноятларнинг олдини олиш муаммосини ечиш биринчи навбатда жиноятчиликнинг ривожланишига кўмаклашувчи омилларни бартараф этиш ёки ҳеч бўлмаса уларнинг таъсирини пасайтиришга қаратилган превентив чоратadbирлар ишлаб чиқишни, шундан кейингина мазкур омиллар таъсирининг оқибатларига қарши курашишни назарда тутди. Шу муносабат билан кўриб чиқилаётган муаммога татбиқан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига доир ижтимоий сиёсатни ва кадрлар малакасини ошириш ишларига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни назарда тутди.

Жиноят процесси соҳасида содир этиладиган қийноқлар қўллаш билан боғлиқ жиноятлар одил судловни амалга оширишга монелик қилиш тарзида салбий оқибатларга сабаб бўлади. И.В.Дворянскоенинг таъкидлашича, оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ишончли бўлмаган далиллар асосида ҳукм қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш тарикасида жазо тайинлаш фоизининг баландлиги исбот қилиш жараёнида процессуал қоидаларнинг бузилиши жамият учун ўта хавфли эканлигидан далолат беради. Айна пайтда кўрсатувлар беришга

мажбурлаш билан боғлиқ қайд этилган жиноятлар фоизининг пастлиги улар кам содир этилишидан эмас, балки уларнинг ўта латентлигидан далолат бериши мумкин. Бу суд ва дастлабки тергов органларидан кўрсатувлар беришдан бош тортиш, била туриб ёлғон кўрсатув бериш каби жиноятларнинг сабаблари ва мотивларини ўрганишга ўта масъулият ва синчковлик билан ёндашишни талаб қилади¹.

Қийноқлар қўллашнинг самарали профилактикаси энг аввало уларнинг сабаблари ва шароитларини нейтраллаштиришни назарда тутати. Шу муносабат билан мазкур омиллар алоҳида ўрганишни талаб этади.

Жиноятчиликнинг сабаблари деганда ижтимоий ҳаётнинг жиноятчилик вужудга келиши ва ривожланишига замин яратувчи, унинг мавжудлиги ва кенг тарқалишини қўллаб-қувватловчи ҳодисалари ва жараёнлари тушунилади.

Сабабият ҳодисалар – сабаб ва оқибат ўртасидаги объектив, умумий генетик (яратувчи, вужудга келтирувчи) алоқани ўзида ифода қилади.

Сабабият жараёни вақтда изчил ривожланади ва сабаб ҳар доим оқибатдан олдин келади. Ахборот ва психофизик энергияни ўзлаштириш учун имконият яратиш ижтимоий муносабатлар соҳасида сабабиятга хос бўлган хусусиятдир. Хулқ-атвор нормалари, қадриятлар тизими, жорий воқелик ҳақидаги маълумотларни одамлар турли ахборот манбалари ва каналлари орқали ўзлаштирадilar. Жамият, жамоалар ва шахс дунёқараши ва руҳияти шу тариқа шаклланади. “Сабаб-оқибат” боғланиши *шароитга*, яъни унинг муҳитини ҳосил қиладиган, унга йўлдош бўлган ва унинг муайян даражада ривожланишини таъминлайдиган ҳодисалар ва ҳолатлар йиғиндисига боғлиқ бўлади. Мазкур боғланиш зарурий шароитлар мажмуи лозим даражада бўлган ҳолда амалга ошади. Жиноятчиликнинг сабабият механизмида сабаб оқибатни пайдо қилади, шароит эса бунга имконият яратади. Бироқ гап ҳар доим уларнинг биргаликдаги ҳаракати ҳақида, ягона фаол тизим элементларининг зарурий алоқаси тўғрисида боради. Биргаликдаги ҳаракати оқибатлар – жиноятчилик ва жиноятга олиб келувчи сабаблар ва шароитларнинг комплекслари *криминоген омиллар* деб аталади.

Шафқатсизлик, агрессия ва агрессивлик қийноқ қўллайдиган шахсларнинг хулқ-атворини белгиловчи асосий омиллар ҳисобланади.

Ю.М.Антонян агрессивлик деганда шахснинг хусусиятлари (жиҳатлари)ни, агрессия деганда эса – куч ишлатиш, куч ишлатиш билан кўрқитиш ёки айрим шахс ёки шахслар гуруҳига нисбатан кучдан фойдаланишдан иборат бўлган тегишли хулқ-атворни тушунишни таклиф қилади².

Шунга ўхшаш фикрни Н.В.Борисенкова ҳам илгари суради. Унинг қайд этишича, “агрессия” атамаси асосан баъзи бир ҳаракатларни ифодалаш учун, “агрессивлик” атамаси эса – инсон шахсиятининг муайян хоссаларини тавсифлаш учун ишлатилади³.

Немис психологи Х.Хекхаузен агрессияга зарар етказиш мақсадида қасддан содир этиладиган ҳаракатлар сифатида қарайди. Баъзан агрессив ҳаракатлар бирор кимга қаршилик кўрсатиш, унинг зиёнига иш кўриш, бирор кимга адолатсизлик қилиш, уни таҳқирлаш нияти таъсирида, “ўз-ўзидан” юз беради⁴.

Шундай қилиб, ҳуқуқ ва психология масалаларига бағишланган адабиётларда агрессив хулқ-атвор энг аввало бошқа индивидларга зарар етказишга қаратилган ҳаракатлар сифатида ёки зарар етказиш билан кўрқитиш сифатида қаралади.

Шафқатсизлик тушунчасининг илмий мазмуни агрессивлик тушунчасининг мазмунидан фарқ қилади.

О.Ю.Михайлова фикрига кўра, шафқатсизлик зўрлик ишлатиш йўли билан жиноятлар содир этувчи шахснинг конкрет хусусияти ҳисобланади. Бу хусусият бошқаларни азоблашга қаратилган ғайриижтимоий хулқ-атворда намоён бўлади. Шафқатсизлик замирида инсон қадриятлари ва меъёрлари соҳасидаги нуқсонлар, аниқроқ айтганда бошқа одам қимматининг бузилиши ётади⁵.

Шафқатсизлик каби, агрессивлик ҳам ижтимоий мавжудот сифатидаги шахснинг хусусияти ҳисобланади, чунки шахс жамиятда шаклланади. Агрессив шахс ўз мақсадларига куч ишлатиш йўли билан эришишни маъқул кўради, куч ишлатишга асосланган ҳаракатлар натижаси ўлароқ одамларга зиён этади. Бироқ “агрессивлик” тушунчаси мазмун жиҳатидан “шафқатсизлик” тушунчасидан кенгроқ. Бизнинг фикримизча, агрессивлик шахснинг бошқа одамларга зиён етказиш потенциал қобилиятида ифодаланадиган хусусияти сифатида, шафқатсизлик эса – шахснинг бошқа индивидларга уларни азоблаш йўли билан онгли равишда зарар етказишда ифодаланувчи хусусияти сифатида қаралади. Демак, ўзгаларга нисбатан шафқатсизлик билан муносабатда бўлаётган шахс меҳр-шафқат туйғусининг йўқлиги билан тавсифланади. Агрессивлик билан таққослаганда, шафқатсизлик ва ўта шафқатсизликнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси кучлироқ бўлади, ҳар доим бошқаларни азобловчи қилмишларни онгли равишда содир этиш йўли билан амалга оширилади. Агрессивлик эса фақат хулқ-атворда, гап-сўзларда ёки ҳатто қонуний ҳаракатлар мотивациясида (масалан, бизнесни агрессивлик, қатъият ва шижоаткорлик билан олиб боришда) ифодаланиши мумкин. Айни пайтда шафқатсизлик агрессивлик билан узвий боғлиқ бўлади, унинг таъсирида вужудга келади, уни амалда гавдалантириш шакллари билан бири ҳисобланади.

Айни пайтда ижтимоий омилларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бундан ташқари, маънавий онгининг структуравий тузилишини инсон ҳаётининг ижтимоий-тарихий шароитларидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас⁶.

Шахсда шафқатсиз ва агрессив хулқ-атворнинг шаклланиши, албатта, унинг ижтимоийлашуви

¹ Қаранг: Дворянское И.В. Уголовно-правовая охрана процессуального порядка получения доказательств. – Ульяновск, 2001. – 73–76-с.

² Қаранг: Антонян Ю.М. Общий очерк о преступном насилии // Человек против человека. Преступное насилие / Под общ. ред. Ю.М. Антоняна, С.Ф. Милюкова. – СПб., 1994. – 11-б.

³ Қаранг: Борисенкова Н.В. Уголовно-правовая оценка жестокости. – 16-с.

⁴ Қаранг: Хекхаузен Х. Мотивации и деятельность. – М., 1988. Т. 1. – 365–367-с.

⁵ Қаранг: Михайлова О.Ю. Изучение психологических мотивов преступлений, сопряженных с особой жестокостью // Юридическая психология. Материалы симпозиума на 6-м Всесоюзном съезде общества психологов. – М., 1983. – 53-б.

⁶ Қаранг: Катанов Г.Б. Становление и развитие философско-методологических взглядов в криминологии агрессивного насильственного поведения // История органов внутренних дел России. Вып. 6. – М., 2002. – 88-б.

жараёнида юз беради. Бу жараёнга ҳам турли ижтимоий ҳодисалар, шахснинг психофизик хусусиятлари таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки шафқатсизлик ва зўравонлик каби хулқ атворга ижтимоий омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, зўравонлик, шафқатсизлик ва агрессивликни кинофильмларда, телевидение орқали, адабиётларда тарғиб қилиниши одамлар хулқ-атворига, энг аввало вояга етмаганларга ўта салбий таъсир кўрсатади, натижада мазкур таъсирнинг оқибатлари шафқатсизлик билан содир этиладиган жиноятларда намоён бўлади.

Агрессивлик ва шафқатсизлик инсон шахсиятининг хусусиятлари сифатида асосан илк ижтимоийлашув жараёнида (болалик ва ўсмирлик даврида) шаклланади. Беқарор оила шахснинг нормал шаклланишини таъминлай олмайди. Болалар билан шафқатсиз муомалада бўлиш, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар – буларнинг барчаси болаларнинг ўз тенгдошларига нисбатан агрессив хулқ-атворини рағбатлантиради.

Мазкур бўшлиқни энг яқин муҳитнинг салбий таъсири тўлдирди. Сохта ўртоқчилик ҳисси, ўз даврасидаги обрўлироқ тенгдошларга қарамлик вояга етмаган шахснинг агрессив, шафқатсиз ҳаракатларига туртки беради. Яъни шундай хулқ атворга эга шахсларда жиноят жумладан қийноқ ҳаракатини содир этишга мойиллик кучли бўлади.

Қийноқлар муаммосига татбиқан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг агрессияси ва шафқатсизлиги масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бу хусусиятлар генезиси, бир томондан, оғир ва ўта қизғин иш шароитлари, жиноятчиликнинг шафқатсизлигига жавоб реакция билан, бошқа томондан эса – улар жиноятчилар оламининг принциплари ва меъёрларини ўзлаштиришлари (психологлар таъбири билан айтганда “профессионал деформация”) билан белгиланади. Илмий адабиётларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари томонидан процессуал қоидаларнинг бузилиши ҳуқуқий онгдаги нуқсонлар билан ҳам боғланади. Масалан, процессуал қоидалар бузилишининг асосий сабаблари қаторида Н.Заикин сўнгги йилларда тижорат асосида ташкил этилаётган олий ўқув юртларида юристларни тайёрлаш даражасининг пастлигини қайд этади¹.

Инсон ҳуқуқларига дахл этувчи процессуал қоидалар бузилишининг сабаблари орасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий ва маънавий даражасининг пасайиши ҳам кўрсатиб ўтилади².

Демак, бундай ҳолатда шахс ҳуқуқларини бузулишида ходимларда касбий билим ҳамда маънавий даражанинг етарли эмаслиги ҳам сабаб бўлишини айтиш мумкин.

Қийноқлар қўлланишини белгиловчи сабаблар ва шароитлар таҳлилига яқун ясар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтишни истар эдикки, инсон ҳуқуқларига ҳурмат аънаналари тарихан шаклланмаган, давлат манфаатлари ҳар доим шахсий манфаатларда устун

қўйиладиган жамиятда ўз-ўзидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи зўравонлик, шу жумладан қийноқлар қўллаш даражаси ҳам юқори бўлади.

Юқоридаги омилларни бартараф этиш қийноқлар қўллаш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим ҳисобланади.

¹ Қаранг: Заикин Н. Общероссийский правовой конгресс // Законность. 1996. № 5. – 20–22-б.

² Қаранг: Ветрова Г.П. Закон и нравственность в уголовном судопроизводстве // Вестник Моск. ун-та. Сер. 11. Право. 1996. № 1. – 51–58-б.

Ш. Ходжаев
ТДЮИ тадқиқотчиси

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ – ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ УСТУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устунлигини таъминлайдиган, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг қонунчилик базаси яратилди. Мамлакатимиз қонунларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилотларнинг яхлит тизимини барпо этиш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар ва ҳужжатларга қўшилишда давом этмоқда. Республикаимизда мазкур ҳужжатлар бўйича мажбуриятларни бажариш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг уларга сўзсиз риоя қилиш механизми яратилди.

Юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг тўла таъминлашдан иборатдир.

Ушбу ислохотларнинг бир қисми ҳисобланган жиноят қонунини либераллаштартиш борасида, хусусан ўлим жазосини бекор қилиниши инсоннинг узвий ҳуқуқи бўлган яшаш ҳуқуқининг дахлсизлигини таъминлади, десак хато бўлмайди.

Конституциямиз асосида ишлаб чиқилиб, 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ўзига хос ўрин тутди. Жиноят кодекси Махсус қисмидаги нормаларнинг 26 фоизи муайян даражада фуқаролар ҳаётига таъвоуз қилганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутишни таъкидлашнинг ўзи кўп нарсага ойдинлик киритади. Жабрланувчининг у ёки бу биологик хусусиятлари ва ижтимоий сифатларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳаёти қонун билан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир. Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди.

Шахснинг ижтимоий хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий муносабатларда иштироки, ҳуқуқий борлиқнинг ондаги аксини тушуниб етиш ва ҳуқуқ ҳақидаги билимларни шакллантириш долзарб ҳисобланади. Чунки шахс ҳуқуқий онгини шакллантириш орқали мамлакатимиздаги ижтимоий-

сиёсий жараёнлар ва ислохотларни тўғри англаш, уларга мослашишга эришилади. Бунда ёшларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ривожланиши, психик фаолияти ижтимоий хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий муносабатларда фаол иштирок этишига таъсирини таҳлил қилиш муҳимдир.

Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг узвийлигини эътироф этган ҳолда уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Хусусан, ҳуқуқий тарбия - ҳуқуқий онгни шакллантиришда ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, уларни бажариш ва бу нормалардан фойдаланишни таъминловчи асосий омил бўлса, ҳуқуқий таълим - муайян ҳуқуқ соҳалари бўйича эгаллаши зарур бўлган маълумотлар, билимлар мажмуи бўлиб, ҳуқуқий тасаввур ва ҳуқуқий тушунчалар ҳосил қилиш воситасидир. Яъни ҳуқуқий таълим шахснинг ҳуқуқий борлиқ, ҳуқуқий воқелик, жамиятдаги ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқ нормалари ҳақидаги билимлар тизимидир.

Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг таркибига ҳуқуқий онг, ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқий муносабатлар кирди. Ҳуқуқий маданият савияси кўп ҳолларда ҳуқуқий онг билан белгиланиб, ижтимоий онг шаклланидан бири сифатида майдонга чиқаркан, ҳуқуқий онг нисбатан мустақил бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча ҳуқуқий ҳодисаларини акс эттиради.

Аҳолининг ҳуқуқий онги жамиятнинг ҳуқуқий маданият даражасини белгиланар экан, ҳуқуқий онгнинг шаклланиши тўғри ташкил этилган таълим ва тарбия бериш тизимига боғлиқ. “Чунки таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди¹.”

Ҳуқуқий онгни шакллантириш мақсадида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳуқуқий таълим-тарбия жараёни иштирокчилари учун зарурий ва етарли шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилиш орқали шахснинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш йўналишларида қатор талаблар белгилаб берилди. Мазкур талабларнинг энг асосийларидан бири шахснинг ижодий ва эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш асосида уларда ҳуқуқий тафаккурни шакллантиришдир.

Ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши шахснинг ижтимоий муносабатларда иштирок этиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тушуниб олиши жараёнида муҳим ҳисобланади. Шахснинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш оилада одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатиш билан бирга илк ҳуқуқий тасаввурлар сингдирилиши билан боғлиқ. Ўз навбатида ҳуқуқий тасаввурлар ҳуқуқий онгни шакллантиришга олиб келади.

Ҳуқуқий онг – ҳуқуқий воқеликни тўғри тушунишга, ҳуқуқ қонун, ҳуқуқий тартиб, ҳуқуқий норма каби элементлар ҳақида тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Ҳуқуқий онг ҳуқуққа асосланиш, ҳуқуқни тушуниш, уни тасаввур қилиш, идрок этиш, изоҳлаш, татбиқ қилиш, уни бажариш тушунчаси билан бирга

¹ Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7. - Б.94.

давлат тузуми ва ҳуқуқ тизимига нисбатан фикр юритиш, шунингдек, кишиларнинг амалдаги қонунчиликка ва ҳуқуққа муносабатини ифодаловчи қарашлари, мулоҳазалари ва тасаввурлари ҳамдир. Ҳуқуқий онгни шакллантириш асосида инсон ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий масалаларини тушунади, уни ҳис этади ва унга бўлган муносабатини шакллантиради.

Ҳуқуқий оннинг шаклланиши ҳуқуқий билиш, ҳуқуқий таълимнинг назарий ва амалий жиҳатларига суянади ва шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий хулқ-атвориға таъсир этади.

Юқори даражадаги ҳуқуқий онгни шакллантиришга қаратилган фаолиятни ўрганиш жараёнида асосий эътибор ҳуқуқий билимларни тарқатишга қаратилади. Шахсда фақат қонунга итоаткорликни тарбиялаш ҳуқуқий таълим-тарбиянинг мақсади бўлиб қолмай, балки унинг мазмун – моҳиятини тушуниб, уни амалда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Шахс ҳуқуқий онгининг шаклланишида ҳуқуқий психологиянинг ҳуқуқий мафкурадан орқада қолиши олдини олиш лозим. Шахс ҳуқуқий онгининг шаклланиши ҳуқуқий тизим доираси билан чекланмай, балки иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади. Лекин шахс ҳуқуқий онги ўзгармай қолмайди, у ҳуқуқнинг ўзгариши билан такомиллашиб боради. Ҳуқуқий психология ва ҳуқуқий мафкура даражасига ҳуқуқий таълим-тарбия каби омиллар таъсир этишини инobatта олиб, ҳуқуқий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари (жинс, ёш, индивидуал хусусиятлар ва интеллект) инobatта олинади.

Шахс ҳуқуқий онгининг шаклланишида субъектларнинг таъсири ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ҳуқуқ соҳасига алоқадор бўлмаган вакиллар (уларнинг фаолиятида ҳуқуқий онг ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини руёбга чиқариш учун хизмат қилади) ва ҳуқуқ соҳаси вакиллари - адвокат, судья, прокурор, милиция, адлия ходими ва бошқалар (ҳуқуқий онг уларнинг касбий фаолияти асосини ташкил этади) фаолиятида кўринади.

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамаздан, таълимнинг сифат самарадорлиги ривожланишини янада жадаллаштириш, бунда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан фойдаланиш бугунги кунда энг долзарб масала ҳисобланади. Таълим олувчиларнинг билим олиш мотивацияларини шакллантирувчи механизмларни ва ўқитишнинг янги шакл, ноанъанавий услублари орқали уларнинг билиш ҳамда таълим-тарбия жараёни тизимини такомиллаштириш ва сифатини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш зарурати мавжуд. Айнан мана шулар узлуксиз таълим тизимини мазмунан такомиллаштиришни, таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қиладиган таъсирчан чораларни кўришни тақозо қилади. Таълимнинг устувор вазифаларидан бири бу – таълим олувчи онгу шуурида миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, жамиятда ўз ўрнини топиши учун амалий - ҳаётий кўникмаларни шакллантириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этишига замин ҳозирлашдир.

Ҳуқуқий таълим шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб

берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга йўналтиради.

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этишга ўргатмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини яхши тасаввур этамиз.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Ҳуқуқий ахборотдан барчанинг эркин фойдалана олишини таъминлаш ҳар кимга ўзининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун шароит яратиш, фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини тегишли тарзда амалга ошириш, бурчларини бажариш, жамиятнинг сиёсий ҳаётида онгли ва фаол иштирок этиш имконини беради.

Мавжуд ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, малакали кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли, ҳуқуқий саводхон авлодни тарбиялаш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади.

Ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода жамият, фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига хавф туғдиришга қодир хулқ бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини қийинлаштиради ва уларнинг бузилишига сабаб бўлади. Ҳуқуқбузарлик ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмиш бўлганлиги сабабли ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг айниқса жиноятчиликнинг олдини олиш муҳимдир.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноят таркибининг катта қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва оғир бўлмаган тоифага ўтказилди. Озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тайинлаш имкониятини чегараловчи нормалар сони анча кенгайтирилди. Мазкур ўзгаришлар қабул қилиниши билан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тайинлаш 2008 йилда 2000 йилга нисбатан 50 %дан кўпроққа камайтирилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида жиноий жазо сифатида ўлим жазосини қўллаш соҳасини босқичма-босқич қисқартириш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Мустақилликка эришилган пайтда Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигининг 33 та моддасида ўлим жазоси сақлаб қолинган эди. Мамлакатимизда 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ушбу моддаларнинг миқдори 13 тага, 1998 йилда 8 тагача, 2001 йилда 4 тагача қисқартирилиб, 2003 йилда фақат 2 та яъни қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун белгиланадиган бўлди.

2005 йил 8 августда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ва “Қамоққа олишга санкция бериш

ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди. Унда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш назарда тутилди.

2007 йилнинг июль ойида қабул қилинган “Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлар бу йўналишда навбатдаги қадам бўлиб, бутун дунёда акс садо берди.

2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида таъкидлаганларидек, “нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди. Халқаро экспертларнинг бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польшада 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш фақулдда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас¹.

Шуни таъкидлаш лозимки 2007 йил 1 январдан фуқароларга бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқларини нафақат фуқаролик ва хўжалик судлари орқали балки, ҳакамлик судларига мурожаат қилиш йўли билан ҳимоя қилиш имкониятини берган Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди.

2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши адвокатура институти ислоҳ қилинишининг янги босқичини бошлаб берди. Бу борадаги туб ўзгаришлар суд иш юритувининг барча босқичида фуқароларга профессионал юридик ёрдам кўсатиш сифат ва савиясини оширишга, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлашга, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдиришга, адвокатларнинг мустақиллигини кафолатларини кучайтиришга, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишга қаратилган.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи 2010 йил 13 ноябр.

Ёшлар бизнинг келажагимиз бўлиб, уларни болаликдан ҳуқуқий маданиятни ошириб, масъулиятни тушунтириб олиб борсак, таълим ва тарбия, ҳуқуқ ва бурчни “эгизак” деган тамойилга амал қилишга ўргата олсак, жиноятчиликни кескин камайишига эришамиз.

Республикаимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари, жазоларни либераллаштирилиши ҳам халқимиз ҳуқуқий маданиятнинг маҳсули ва демократик жамият пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Б.Мусаев
ТДЮИ тадқиқотчиси

**ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ
ҲАРАКАТЛАРИ АФФЕКТ (КУЧЛИ РУҲИЙ
ҲАЯЖОНЛАНИШ) ҲОЛАТИНИ ВУЖУДГА
КЕЛТИРУВЧИ АСОС СИФАТИДА**

Маълумки, ЖК 98-, 106-моддалари жабрланувчининг ғайриқонуний зўрлиги, оғир ҳақорати ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутлади. ЖК 98-, 106-моддалари объектив томони белгиларига кўра аффе́кт жабрланувчи томонидан амалга оширилган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Бу ҳуқуқ-атвор шакли зўрлик ишлатиш, ҳақорат ёки қадр-қимматни таҳқирлаш саналмасида, айбдорни ёки бошқа шахсларни қонуний манфаатлари ва ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қўпол равишда бузиш саналади.

Бизнингча, ЖК 98-моддасида назарда тутилган “бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар” тушунчасига ўзбошимчалик, товламачилик, тухмат ёки ўзгалар мулкини қасддан нобуд қилиш, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ёки мансаб ваколатларидан четга чиқиш, қарзни қайтармаслик, фирибгарлик ёки қабри таҳқирлаш, ўғрилик, мол-мулкни товламачилик йўли билан талаб қилиш, пора олиш ёки таъмағирлик йўли билан пора беришни талаб қилиш, безорилик, шунингдек маъмурий, оила ва фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган нормаларни бузишга қаратилган бошқа ҳаракатларни киритиш мумкин.

Бу ўринда аффе́кт нафақат жабрланувчининг салбий ҳаракатлари натижасида вужудга келишини, балки унинг ҳаракатсизлиги оқибатида ҳам вужудга келиши мумкинлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ҳаракатсизлик ўзининг ижтимоий аҳамиятига кўра ҳаракат сингари атроф муҳитни ўзгартишга, шу жумладан инсон руҳиятига таъсир кўрсатишга қодир. Мансабдор шахсни айбдорни қонуний талабларини бажармаслигини (меҳнат ҳақини узоқ вақт давомида тўламаслик, ўз мажбуриятида бўлсада касал одамга ёрдам кўрсатмаслик ёки хавф остида қолдириш) ҳаракатсизликка мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

М.Ҳ.Рустамбоев бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар деганда, “жабрланувчининг шундай ҳаракатлари тушуниладик, улар на зўрлик деб, на ҳақорат деб топилди мумкин эмас ва шу билан бирга айбдор ёки унинг яқинларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қўпол тарзда бузилиши (масалан, тухмат, бебошлик ёки бебошликка олиб бориш, мол-мулкни йўқ қилиш ва ҳоказо) мумкин”¹лигини тушунади. Худди шунга ўхшаш фикрни О.Н.Ярошенко², Ф.С.Сафуанов³ ва Н.В.Курышкина⁴ ҳам қайд этган.

¹ Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Ш том. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: “ILM ZIYO”, 2011. – Б. 63.

Демак, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар деганда, оғир ҳақорат ёки қадр-қимматни таҳқирлаш ёки зўрлик ҳаракатларига тегишли бўлмаган қонунга зид ҳаракат ёки ҳаракатсизликни тушуниш лозим.

Бизнингча, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар доирасини ҳар бир алоҳида ҳолатларда суд томонидан қилмишни квалификация қилиш жараёнида кенгроқ доирада олиниши мумкин. Бу тушунча ўз ичига айбдорда аффе́кт ҳолатини вужудга келишига хизмат қилувчи жабрланувчининг объектив ҳуқуққа хилоф ҳаракатларини ҳам қамраб олиши лозим. Бу ўринда жабрланувчининг бетараф ҳаракатлари (масалан, ўз кўз олдида фарзандини йўл ҳаракати ҳодисаси натижасида ҳалок бўлиши натижасида вужудга келган аффе́кт ҳолатида гарчи жабрланувчи йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузмаган бўлсада уни қасддан одам ўлдириши) натижасида вужудга келган аффе́кт назарда тутилмоқда.

Бизнингча, бу каби ҳолатларда қилмишга нисбатан ЖК 98-моддаси татбиқ қилиниши лозим. Бу вазиятда қилмишни бу каби квалификация қилишга ҳам маънавий ҳам ҳуқуқий асослар бор. Ушбу фикримизга тўла мос қарашни М.Ҳ.Рустамбоев ҳам таъкидлаб ўтган бўлиб, унинг фикрича “тўсатдан кучли руҳий ҳаяжонланиш ва шу муносабат билан одам ўлдиришга қасд қилиш нафақат ғайриқонуний ҳаракатлар ёки оғир ҳақорат қаратилган шахсда, балки шу ҳодисани гувоҳи бўлган ҳар қандай бошқа шахсда ҳам пайдо бўлиши мумкин.”⁵

ЖК 98-, 106-моддалари мазмунидан кўриниб турибдики, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш жинояти фақатгина жабрланувчи томонидан содир этилган бир ғайриқонуний ҳаракат натижасида эмас, балки бир қанча ғайриқонуний ҳаракатларнинг оқибатида ҳам юзага келиши мумкин. Бу ҳолатда ғайриқонуний ҳаракатларнинг сўнгиси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Тадқиқотлар натижасида шунга амин бўлдикки, ЖК 98-, 106-моддалари тузилишида аффе́кт ҳолатини вужудга келтирувчи ҳолатлар мазмунига кўра бир-биридан фарқланади. Бу каби Жиноят кодексида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини икки хил вазиятда турлича талқин қилиниши ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Шу каби Жиноят кодекси 98-, 106-моддалари диспозицияларидаги тафовутларни бартараф қилиш ва ушбу тоифа жиноят ишлари бўйича суд-тергов ишларини унификация қилиш мақсадида ЖК 98-, 106-моддалари таҳририни қайта кўриб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори

² Ярошенко О.Н. Убийство, совершенное в состоянии аффекта, особенности квалификации. // Российский следователь. 2011. – №5. – С.19.

³ Сафуанов Ф.С. Определение аффекта у обвиняемого: проблемы правоприменительной практики и судебно-психологической экспертизы. // Юридическая психология. 2011. – №1. – С. 11-14.

⁴ Н.В.Курышкина. Обстоятельства, подлежащие исследованию и доказыванию по делам об убийствах, совершенных в состоянии аффекта. // Вестник криминалистики / Отв. ред. А.Г.Филиппов. Вып.1(33). М.: Спарк, 2010. – С. 83-85.

⁵ Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Ш том. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: “ILM ZIYO”, 2011. – Б. 63.

даражасида куйидаги тушунтиришларни бериш таклиф қилинади:

1. “Жиноят кодекси 98-, 106-моддаларида назарда тутилган кучли руҳий ҳаяжонланиш (физиологик аффект) деганда, жабрланувчининг ғайриқонуний зўрлик, оғир ҳақорати ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларига нисбатан жавоб реакцияси тариқасида кутилмаганда вужудга келувчи, тез ва шиддат билан кечиши натижасида айбдор ўз ҳаракатларини ижтимоий хавфли жиҳатларини тўлиқ англай олмайдиган руҳий бузилиш ҳолатини тушуниш лозим.

Физиологик аффектни шахс ўз қилмишини ижтимоий хавфли жиҳатларини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган патологик аффектдан ажрата билиш лозим. Патологик аффект ҳолатида шахс ақли норасо деб топилади ва жиноий жавобгарликка тортилмайди”.

“Жиноят кодекси 98-, 106-моддаларида назарда тутилган жабрланувчи томонидан қилинган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар деганда, амалдаги ҳуқуқ нормалари ёки умумэтироф этилган ахлоқий нормаларни ҳаракат ёки ҳаракатсизлик (мансабдор шахсни ходим меҳнат ҳақини узоқ вақт давомида тўламаслиги, ўз мажбуриятида бўлсада касал одамга ёрдам кўрсатмаслиги ёки хавф остида қолдириш, ўзбошимчалик, товламачилик, тўхмат ёки ўзгалар мулкини қасддан нобуд қилиш, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ёки мансаб ваколатларидан четга чиқиш, қарзни қайтармаслик, фирибгарлик ёки қабрни таҳқирлаш кабилар бўлиши мумкин) орқали бузилишини тушуниш лозим”.

Д.Имамова
Соискатель ТГЮИ

ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНКОТЕРМС ВО ВНЕШНЕТОРГОВЫХ СДЕЛКАХ

На протяжении многих лет в мировой торговле особое место занимают Международные правила толкования торговых терминов - ИНКОТЕРМС (International Commercial Terms), которые были разработаны Международной торговой палатой в 1936 г, а затем появились в редакции 1953, 1967, 1976, 1980, 1990, 2000 и ныне действующая редакция 2010 г. для того, чтобы контрагенты из разных стран, заключающие договоры купли-продажи, одинаково понимали основные права и обязанности сторон по транспортировке, упаковке, страхованию, таможенному оформлению товаров, а также по распределению рисков их случайной гибели и повреждения.

Важную роль в правовом регулировании международной торговли играют деловые обычаи - устойчивые правила поведения, сложившиеся в практике делового оборота. Однако в разных регионах могут складываться разные обычаи, что приводит к сложностям во взаимопонимании между сторонами коммерческих сделок, каждая из которых исходит из знакомого ей порядка, что препятствует нормальному ходу дел. В связи с этим Международная торговая палата обобщает и систематизирует обычаи, издавая типовые унифицированные правила. Одним из таких сводов обычаев являются ИНКОТЕРМС - правила толкования международных коммерческих терминов.

Особенно значительно текст ИНКОТЕРМС был переработан при подготовке широко применяемых редакций 1990 и 2000 г. Следует обратить внимание на то, что в ИНКОТЕРМС описаны лишь наиболее часто употребляемые коммерческие термины. Существует также огромное количество торговых терминов, используемых в деловом обороте, но не вошедших в ИНКОТЕРМС, например: DOB (Delivered on board) - поставлено на борт судна, FOQ (Free on quay) - свободно на причале и др.¹

Применение ИНКОТЕРМС на практике особых сложностей не представляет, хотя существуют такие правила, которые следует соблюдать при применении торговых терминов, к ним можно отнести следующие: правильно ссылаться на соответствующий базис поставки и помнить, что ИНКОТЕРМС регулируют лишь самые основные условия поставки товаров, а не все обязательства сторон по договору международной купли-продажи в полном объеме, а также указать соответствующую аббревиатуру, что в свою очередь, избавляет стороны от необходимости оговаривать эти детали в контракте.

Несмотря на то, что ИНКОТЕРМС 2000 применяются уже довольно длительное время, во многих странах, в том числе и в Беларуси, при заключении внешне-торговых контрактов иногда используют ИНКОТЕРМС 1990, т.е. новая редакция не отменяет ранее принятую. Поэтому, чтобы избежать разногласий между продавцом и покупателем в толковании терминов, в тексте контрактов купли-продажи обязательно следует четко указывать, какую редакцию пра-

¹http://www.jurist.by/anons/cid_168/id_2505/?PHPSESSID=2470c666920b94e659a4715bef4f1900

вил используют стороны сделки. Дело в том, что разные редакции типовых условий дают разные, порой взаимоисключающие толкования. Существуют некоторые смысловые отличия терминов ИНКОТЕРМС 2000 от терминов ИНКОТЕРМС 1990: например, FAS (Free alongside ship) в редакции ИНКОТЕРМС 1990 означает, что таможенное оформление товаров при экспорте производил покупатель, а в ИНКОТЕРМС 2000 - что эту обязанность выполняет продавец; FCA (Free carrier) в редакции ИНКОТЕРМС 1990 означает, что таможенное оформление товаров для экспорта, как и в случае с FAS, производил покупатель, а в ИНКОТЕРМС 2000 - что эта обязанность возложена на продавца.

Также регулирование типовых условий поставки происходит и на национальном уровне. Так, базисные условия поставки в США закреплены в Едином образном торговом кодексе (ЕТК) - ст. 2-319 (F.O.B. и F.A.S.) и 2-320 (C.I.F. и C.&F.). Сформулированные в этом документе базисные условия поставки применяются не только в США, но и в некоторых других странах, например в Канаде. Однако, несмотря на сходные аббревиатуры, содержание этих условий поставки существенно отличается от содержания терминов ИНКОТЕРМС.

На сегодняшний день в ИНКОТЕРМС 2000 даны толкования 13 торговых терминов, позволяющие определить: распределение обязанностей сторон по перевозке и страхованию, а также по обеспечению надлежащей упаковки товара, выполнению погрузо-разгрузочных работ; момент перехода риска случайной гибели или повреждения товара от продавца к покупателю; распределение обязанностей сторон по получению экспортных и импортных лицензий, таможенной очистке (выполнению таможенных формальностей) для вывоза и ввоза товара; порядок извещения покупателя о поставке товара и предоставления ему транспортных документов. Остальные положения договора купли-продажи не являются предметом регулирования правил ИНКОТЕРМС.

Основная часть международного экономического договора независимо от ее объема разбивается на статьи. При этом объем международных экономических договоров непрерывно увеличивается. И.И. Лукашук объясняет данную тенденцию тем, что с развитием и усложнением международных отношений возникает необходимость все более сложного и детального их международно-правового регулирования². Статистика и анализ показывают, что международные экономические договоры Республики Узбекистан с государствами-членами СНГ по своему объему намного превышают международные экономические договоры с другими государствами, так как количество вопросов, подлежащих регламентации данными договорами, весьма значительно.

Положения основной части международного экономического договора содержат общие определения, приводимые в договоре. Например, ст.1 Соглашения об основных принципах приграничного сотрудничества государств-участников договора об углублении интеграции в экономической и гуманитарной областях от 29 марта 1996 г., в целях единообразного применения сторонами норм, содержащихся в Соглашении, предусматривает определение понятий «приграничный регион», «население приграничных регионов», «орган управления регионом», «сотрудничество приграничных регионов», «традиционная хозяйственная деятельность»³.

¹ Соглашения о торговых отношениях между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь от 21 января 1993г. // ИПС «Норма».

² Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: Учебник. –М., 1996; Лукашук И.И. Стороны в международных договорах. –М., 1996.

³ Соглашение Об основных принципах приграничного сотрудничества государств - участников договора об углублении интеграции в экономической и гуманитарной областях от 29 марта 1996 г. // Сборник международных договоров Республики Узбекистан. –Т., 2007. –№1.

Особенностью экономических соглашений о торговле и экономическом сотрудничестве является установление в первых же их статьях положений об экономическом режиме, предоставляемом договаривающимися сторонами друг другу. Например, ст.2 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Эстонской Республики о торгово-экономическом сотрудничестве от 17 сентября 1992 г. установлено, что «Договаривающиеся Стороны предоставляют друг другу режим наибольшего благоприятствования в отношении импорта и экспорта товаров...»⁴.

Нормы, посвященные порядку действия самого договора, расположены в третьей части договора – заключительной. Им принадлежит важная роль, поскольку именно они регламентируют вопросы «жизни» договора: вступление в силу, срок действия и порядок прекращения действия договора.

Заключительная часть договора содержит нормы, регулирующие порядок разрешения споров, возникающих в ходе исполнения договоров. Современные международные экономические договоры в обязательном порядке предусматривают возможность досудебного урегулирования спора посредством переговоров, консультаций и другими мирными средствами. Например, ст. 7 Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о совместной Узбекско-Туркменской комиссии по торгово-экономическому, научно-техническому и культурному сотрудничеству от 13 декабря 2009 г. предусматривает, что «Споры, которые могут возникнуть при применении или толковании положений настоящего Соглашения, будут решаться путем консультаций и переговоров между Сторонами»⁵.

Обращение в международные судебные инстанции тоже предусматривается, но очень редко и только в качестве крайнего способа разрешения спора. Это объясняется как разработанностью института мирных средств урегулирования споров, так и стремлением государств к мирному сосуществованию и сотрудничеству.

Ряд международных экономических договоров содержат положения, подробно регламентирующие процедуру урегулирования споров вплоть до установления предписаний о порядке создания судов, что объясняется, прежде всего, спецификой финансовых отношений, регулируемых ими. В качестве примера можно привести ст. 13 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Грузия о свободной торговле от 4 сентября 1995 г., предусматривающую порядок обращения в постоянный арбитражный суд или создания арбитражного суда «ad hoc»⁶.

⁴ Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Эстонской Республики о торгово-экономическом сотрудничестве от 17 сентября 1992 г. // ИПС «Норма».

⁵ Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о совместной Узбекско-Туркменской комиссии по торгово-экономическому, научно-техническому и культурному сотрудничеству от 13 декабря 2009 г. // Сборник международных договоров Республики Узбекистан. –Т., 2009. –№4.

⁶ Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Грузия о свободной торговле от 4 сентября 1995 г. // ИПС «Норма».

Неотъемлемой частью многих международных экономических договоров стали приложения, дополняющие и конкретизирующие их положения. Это дает возможность не обременять и без того сложный основной текст современных договоров деталями, в которых могли бы теряться основные постановления, а также оперативно реагировать на возникающие изменения в международных отношениях. Приложения могут быть разных видов: дополнительное соглашение, протокол, дополнительные статьи, списки и т.д.

В-третьих, особое внимания требует проблема понятия субъекта международного договора. В литературе высказываются в этом отношении различные точки зрения. Так В.М.Шуршалов, И.И.Лукашук, В.Я.Хватов придерживаются того взгляда, что субъектом международного договора могут быть только субъекты международного права¹, которые официально и окончательно оформили свое участие в договоре и обладают всеми правами и обязанностями, вытекающими из этого соглашения для его участников². Отсюда данные авторы приходят к выводу, что субъектами международного договора могут быть только государства и международные организации, а участие в международных договорах иных образований рассматривается ими как отклонение от нормы³.

По мнению же А.Н.Талалаева, в международных договорах могут участвовать не только субъекты международного права, но и другие субъекты, не обладающие международной правосубъектностью (города, воюющие стороны, колонии и т.д.)⁴. В современной юридической литературе взгляды А.Н.Талалаева нашли поддержку и дальнейшее развитие.

Изучению указанных вопросов посвящены работы многих известных ученых: И.И. Лукашука, Г.В. Игнатенко, Н.А. Ушакова и др.⁵ Но несмотря на многочисленность публикаций, проблема понятия субъекта международного договора, в данном случае международного экономического договора, не разрешена, поскольку до сих пор не разработано само определение понятия субъекта международного экономического договора.

На наш взгляд, можно дать следующее определение субъекта международного экономического договора:

Субъекты международного экономического договора – это государства, международные организации и иные субъекты международного права, обладающие, правоспособностью на заключение международных экономических договоров.

¹ См.: Шуршалов В.М. Основные вопросы теории международного договора. –М., 1959. –С.38–39; Лукашук И.И. Стороны в международных договорах. –М., 1996. –С.14; Хватов В.Я. К вопросу о субъекте и объекте международного договора о научном сотрудничестве // Советский ежегодник международного права. 1969. –М., 1970. –С.219; Саидов А. Халкаро ҳуқуқ субъектлари. –Т., 2000.

² Лукашук И.И. Стороны в международных договорах. –С.7.

³ Там же. –С.14.

⁴ См. подробнее: Талалаев А.Н. Право международных договоров (договоры с участием международных организаций). –М., 1989; его же. Международные договоры в современном мире. –М., 1973; его же. Юридическая природа международного договора. –М., 1963; его же. Право международных договоров. Общие вопросы. –М., 1980.

⁵ Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть: Учебник. –М., 1997; Игнатенко Г.В. Международное право и общественный прогресс. –М., 1972; Ушаков Н.А. Международное право: Учебник. –М., 2000.

В-четвертых, в международных экономических договорах необходимо различать предмет и объект договора.

Среди работ, в которых особо рассматривался объект международного договора, можно указать публикации В.М. Шуршалова и А.И. Талалаева, статьи А.Г. Фогелса и В.Я. Хватова. Отдельные положения содержатся в работах Ф.И.Кожевникова и Д.Б.Левина⁶.

Обращаясь к определению объекта международного экономического договора, следует остановиться на основных положениях, выдвигаемых учеными по этому вопросу.

Так, В.М. Шуршалов рассматривает объект международного договора и объект международного права как понятия, которые совпадают в своем существе и различаются только по объему. По его мнению, объектом международного договора и международного права следует считать определенные материальные и нематериальные блага и неотделимые от них интересы государства, направленные на охрану всеобщего мира, защиту и умножение этих благ⁷.

А.И. Талалаев пришел к выводу, что объектом международного договора является все, о чем субъекты международного права договариваются между собой (материальные и нематериальные блага, действия и воздержания от действий) в соответствии с основными принципами международного права, прежде всего с учетом принципа невмешательства и суверенитета государств⁸. Близкое к этому определение объекта международного договора еще ранее было дано Ф.И. Кожевниковым⁹.

Преобладающей в литературе является точка зрения, согласно которой в качестве объекта международного договора рассматриваются действия субъектов международного права. Так, А.Г. Фогелс отмечает, что под объектом договоров о взаимной помощи «понимаются определенные действия, направленные на достижение определенных целей, каковыми являются материальные и нематериальные блага»¹⁰. «Анализ международных договоров о научном сотрудничестве, таким образом, показывает, – подчеркивает В.Я. Хватов, – что их объектом является поведение или действия субъектов, необходимые для организации и осуществления международных научных связей»¹¹.

Следовательно, под объектом международного экономического договора, на наш взгляд, надо понимать определенные действия участников международных экономических договоров в сфере международного экономического сотрудничества, направленные на достижение конкретно обусловленных целей. Так, объектом Соглашения между Правительством

⁶ См.: Шуршалов В.М. Право международных договоров. –М., 1979; Талалаев А.Н. Право международных договоров. Общие вопросы. –М., 1980; Фогелс А.Г. Объект международного договора о взаимной помощи // Правоведение. –М., 1966. –№4. –С.146–153; Хватов В.Я. Об объекте международного договора // Правоведение. –М., 1968. –№4. –С.84–92; Кожевников Ф.И. Учебное пособие по международному публичному праву. –М., 1947; Левин Д.Б. Основные проблемы современного международного права. –М., 1958.

⁷ Шуршалов В.М. Указ. соч. –С.97.

⁸ Талалаев А.Н. Указ. соч. –С.93.

⁹ Кожевников Ф.И. Указ. соч. –С.21.

¹⁰ Фогелс А.Г. Указ. соч. –С. 153.

¹¹ Хватов В.Я. К вопросу о субъекте и объекте международного договора о научном сотрудничестве // Советский ежегодник международного права. 1969. –М., 1970. –С.226.

Республики Узбекистан и Правительством Республики Сингапур об избежании двойного налогообложения и предотвращении уклонения от уплаты налогов на доход от 12 сентября 2008 г. являются определенные действия договаривающихся государств, направленные на избежание двойного налогообложения¹.

В-пятых, предмет международного экономического договора имеет свои особенности. Под предметом договора понимают «то, по поводу чего заключается международный договор»². Если об объекте международного договора в теории международного права существует множество мнений, ведутся дискуссии и можно найти массу публикаций, затрагивающих эту проблему³, то к вопросу понятия предмета международного договора обращаются крайне редко. Некоторыми учеными понятие «предмет договора» заменяется термином «предметное содержание договора»⁴. Другие юристы-международники, обращаясь к вопросу о предмете международного экономического договора, не дают самого определения понятия «предмет международного экономического договора». Так, В.П. Шатров и Г.М. Вельяминов, затрагивая данную проблему, сводят понятие предмета международного экономического договора к определению предмета правового регулирования⁵, что, на наш взгляд, не является одним и тем же.

По нашему мнению, предмет договора несет огромную информационную нагрузку о назначении договора, о тех материальных и нематериальных благах, на достижение которых направлено действие договора, что позволяет провести грань между различными видами международных экономических договоров, классифицировать их в зависимости от предмета.

Предмет международного экономического договора находится в тесной взаимосвязи с объектом и целью договора. Объект и цель договора, с одной стороны, обуславливают и конкретизируют предмет договора, с другой стороны, предмет договора лежит в основе возникновения объекта и цели договора. Ибо, если не будет существовать предмета договора, то не возникнут и отношения между государствами относительно его использования, а значит, не появится и договор,

Предмет международного экономического договора – те материальные и нематериальные блага, с целью достижения которых участниками международных экономических договоров предпринимаются определенные действия в сфере международного экономического сотрудничества.

Так, предметом Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Сингапур об избежании двойного налогообложения и предотвращении уклонения от уплаты на-

логов на доход от 12 сентября 2008 г. являются налоги на доходы⁶.

В-шестых, стремясь заключить тот или иной международный экономический договор, стороны, прежде всего, преследуют собственные экономические выгоды, получение которых зависит от исполнения договора. Поэтому эффективность международного экономического договора находится в прямой зависимости от учета при его создании существующих экономических и политических интересов сторон-инициаторов его заключения. Эти политические и экономические интересы государств находят свое отражение непосредственно в нормах международных экономических договоров.

Цели международного экономического договора – это то, для достижения чего заключается (создается) сам договор. Так в Соглашении между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Польша об экономическом сотрудничестве от 20 декабря 2006 г. говорится, что стороны решили заключить настоящее соглашение «с целью дальнейшего укрепления и развития экономических отношений между Республикой Узбекистан и Республикой Польша»⁷.

В-седьмых, международный экономический договор должен соответствовать как основным принципам международного права, так и специальным принципам международного экономического права.

В-восьмых, проведенное нами исследование основных видов международных экономических соглашений Республики Узбекистан со странами СНГ и государствами, не входящими в это Содружество, показывает, что в настоящее время международно-правовая база международных экономических отношений представляет собой комплекс взаимозависимых и взаимосвязанных юридических норм, постепенно складывающихся в единую и целостную систему международных экономических договоров Республики Узбекистан.

¹ Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Сингапур об избежании двойного налогообложения и предотвращении уклонения от уплаты налогов на доход от 12 сентября 2008 г. // Сборник международных договоров Республики Узбекистан. –Т., 2008. –№ 3–4.

² Хватов В.Я. Об объекте международного договора // Правоведение. –М., 1968. –№ 4. –С.92.

³ См.: Фогелс А.Г. Указ. соч.; Хватов В.Я. Указ. соч.

⁴ Шуршалов В.М. Указ. соч. –С.104.

⁵ См.: Шатров В.П. Указ. соч. –С.8; Вельяминов Г.М. Основы международного экономического права. –М., 1994. –С.6.

⁶ Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Сингапур об избежании двойного налогообложения и предотвращении уклонения от уплаты налогов на доход от 12 сентября 2008 г.

⁷ Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Польша об экономическом сотрудничестве от 20 декабря 2006 г. // Сборник международных договоров Республики Узбекистан. –Т., 2008. –№ 1–2.

У.У.Шарифходжаев
ТМИ тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ҳар қандай муносабат каби, молиявий муносабатлар ҳам, маълум бир ташкилий-ҳуқуқий тизимга асосланади. Республикаимизнинг халқаро молиявий институтлар билан молиявий муносабатлари 1992 йил 2 “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Реконструкция ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентликка аъзолиги тўғрисида”ги қонун асосида бошқарилиб борилади. Ушбу қонуннинг биринчи моддасида таъкидланганидек – “Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси номидан Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия, Кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентликнинг аъзолигини қабул қилишга ва шу тариқа Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация бошқарувчилари тегишли Кенгашлари, Агентлик бошқарувчилари Кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг ана шу ташкилотларга аъзолигига дахлдор бўлган резолюцияларидаги муддатлар ва шартларни қабул қилиб, матнлари ушбу Қонуннинг I, II, III, IV ва V иловаларида келтирилган барча тузатишлари билан Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация, Конвенция, Агентликнинг битимларидаги тегишли моддаларни қабул этишга вакил қилинган”*. Айнан шу қонуннинг 4-моддасида мамлакат томонидан қарзларнинг олиниши тартиби тўғрисида қўйидагилар ёзиб ўтилган: “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Ўзбекистон Республикасининг ана шу ташкилотларга аъзолигига дахлдор бўлган резолюциялардаги шартлар ҳамда муддатларда ва Битим ёки Конвенция моддаларига мувофиқ равишда Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация ва Агентликка тўланиши лозим бўлган счётларни қарз олиш ёхуд тегишли йўл билан сотиб олиш ҳамда тўлаш, шунингдек Фонднинг махсус ҳуқуқлари ўзлаштириш бўлимида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши билан боғлиқ тўловларни амалга ошириш ҳуқуқи берилади. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги юқорида кўрсатиб ўтилган тўловларни тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни манбалар билан таъминласин” деб ёзилган.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро молиявий институтлар билан молиявий муносабатлари “Ўзбекистон республикаси билан халқаро

молия институтлари ўртасидаги халқаро заём ва кафолатли шартномалар ҳамда битимларни тузиш ва денонсация қилиш тартиби тўғрисида”ги 07.05.1993 й.даги N 850-XII Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида бошқарилади. Ушбу қонунга асосан, “Халқаро молия институтлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги заём ва кафолатли шартномалар ҳамда битимлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда у ваколат берган органлар томонидан тузилгач, ратификация қилинмайди ва

Ўзбекистон Республикаси учун имзоланган пайдан бошлаб кучга киради”. Бу эса ўз навбатида муносабатларнинг оператив амалга оширилиши ва ҳуқуқий жараёнларни тезлаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз ва халқаро молиявий институтлар ўртасидаги молиявий муносабатлар, ўз навбатида шартномаларда акс эттирилади, бу жараён эса, Ўзбекистон Республикасининг 22.12.1995 й.да қабул қилинган 172-I-сонли “Ўзбекистон республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонунга асосан амалга оширилади. Ушбу қонун асосида, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш ва уларни кучга киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини

эълон қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини бажариш ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ҳақиқий эмаслиги, уларни тўхтатиш, денонсация қилиш ва амал қилишини тўхтатиб туриш бўйича кўрсатмалар берилган.

Албатта, ҳар қандай ташкилотга аъзо бўлиш учун, аъзо бўлмоқчи бўлган томон ушбу ташкилотга тегишли бўлган норматив ҳужжатларини қабул қилиши ва ратификациядан ўтказиш лозим. Халқаро молиявий ташкилотларга тегишли бўлган бундай жараёнлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 02.07.1992 й.даги 621-XII-сон қонуни билан ратификация қилинган “Инвестициялар кафолати бўйича кўп томонлама агентликка аъзолик масалалари” ва 31.08.1995 й.даги 124-I-сонли “Осиё ривожланиш банки шартномасининг моддаларини ратификация қилиш ҳақида” Олий мажлис қарорини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Амалга кирган ҳужжатларни ва ўзаро муносабатларни такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор қонуний манбалар ҳам қабул қилиниб келинмоқда. Мисол учун 2004 йил 24 апрелда ишга кирган “Жаҳон банки гуруҳи ҳузуридаги халқаро тараққийт уюшмаси билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарор. Унда “Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро тараққийт уюшмасининг узоқ муддатли имтиёзли кредитларини 2001 йилдан бошлаб жалб этиш, уларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантирилишини таъминловчи устувор лойиҳаларни амалга оширишга” кўпроқ эътибор берилди бошланди.

Бундан ташқари ҳар бир лойиҳанинг бажарилишидан олдин ушбу лойиҳага тегишли бўлган қарор ёки фармон имзоланади. Хусусан, 2002 йилда имзоланган “Жаҳон банки гуруҳи иштирокидаги Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини сув билан таъминлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирларини тўғрисида”ги қарори ёки 2004 йилдаги “Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси. Жанубий Қорақоғонистондан дренаж ўтказиш” лойиҳасини жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларни мисол сифатида келтириб ўтсак бўлади.

Ушбу лойиҳа ва қарорлар таъкидлаб ўтилганидек “Сугориладиган ерларнинг унумдорлигини янада ошириш, сув ресурсларини бошқариш, Қорақоғонистон Республикасининг Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманлари ҳудудларидаги ирригация-дренаж тизимларидан фойдаланиш ва уларга техника хизмати кўрсатиш тузилмасини такомиллаштириш, шунингдек Жаҳон банки билан

ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида” имзоланган. Лойиҳа доирасида “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ресурсларидан беш йиллик имтиёзли даврни қўшган ҳолда 20 йил муддатга 35 млн АҚШ доллари миқдорида қарз” берилди.

Бундан ташқари мамлакатимизнинг бошқа Халқаро молиявий ташкилотларига аъзо бўлишида бир қатор қарор ва фармонларда ўз аксини топган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўзаро муносабатлар даврида, икки томонлама дастурлар ва концепциялар имзоланиб келмоқда, бу ўз навбатида амалга оширилаётган ишларни қонуний замирини яратиб бермоқда.

К.Х.Дастамов

ТДЮИ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ЧЕТ ЭЛ ҲУҚУҚИ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга нисбатан чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш масалаларини инвестиция фаолияти субъектларига боғлиқ бўлган бир неча масалаларни ўрганиш орқали ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги давр ижтимоий тараққиётидаги нотекс ривожланишлар давлатга кириб келаётган капиталлар, товарлар ва хизматлар ҳаракати жараёнини кучайтиришга сабаб бўладиган халқаро ҳужалик муомаласини тўғри йўлга қўйилишида намоён бўлади.

Ўзининг миллий давлатидан ташқарида турлича тузилишга эга бўлган фаолиятнинг хилма хил шаклларда ўсиши интеграциялашув натижасида вужудга келади. Айниқса, бугунги оламда амалий фаолликнинг тавсифий (характерли) доираси инвесторларни қабул қилувчи давлатларда, улардан унумлироқ фойдаланиш мақсадида хорижий мамлакатлар иқтисодиётига, жумладан чет эл инвесторларига кенг шароит яратиб бераётган давлатларда ўз иқтисодиётини ҳамда бошқариш тажрибасини киритиш орқали ривожлантирилади.

Инвестор қайси давлатга капиталини йўналтирар экан, ўз-ўзидан инвестиция киритилган давлат қонунчилиги асосида эмас, балки инвесторнинг шахсий қонуни ёки халқаро нормалар орқали ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Бу ўз навбатида, чет эл инвесторлари ҳолатининг ҳуқуқий дуализми вужудга келишига сабаб бўлади.

М.Е.Ковешниковнинг фикрича, “инвестиция жараёнининг асосий иштирокчиси ҳисобланган инвесторларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақидаги тавсифий ҳусусиятлар ўзига хос мураккаблик касб этиб, у инвестиция фаолиятини амалга ошириш қобилияти, мавжуд воситалар бўйича қарорлар қабул қилиш ва ўз ихтиёри билан инвестиция объектларини танлаш ҳуқуқи билан белгиланади”¹. Ўз навбатида М.М.Богуславский “юридик ва жисмоний шахслар инвестициявий муносабатларни амалга оширишда бошқа усулда тартибга солишига қаратилган, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг ўзига хос доирасига киришади ҳамда ушбу муносабатлар бошқа юрисдикцияларнинг таъсири остида бўлишини эътиборга олишлари лозим. Шунингдек, инвестиция фаолиятининг субъектлари тўғрисидаги масалалар халқаро оммавий ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ ва давлатнинг миллий ҳуқуқи билан тартибга солинади” деб таъкидлайди². А.Г.Богатырев эса “мазкур муносабат субъектлари ҳисобланган инвесторлар-моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, кенгайтириш ва инфратузилмага йўналтирилган

¹ М. Е.Ковешников. Правовое регулирование иностранных инвестиций в Российской Федерации. – М.: Норма, 2001. – Б.14.

² М.М.Богуславский. Иностранные инвестиции: правовое регулирование. – М., 1996. – Б. 18.

сармоя эгалари ҳисобланади” деб таъкидлайди¹. С.С.Гулямовнинг кўрсатиб ўтишича, “Инвестиция фаолиятининг субъектлари инвестицияга доир қонунчиликка мувофиқ ҳамда инвестиция шартномаларида мустаҳкамланган ваколатлари доирасида ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади”².

Юқоридагиларга кўра, инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқий ҳолатини батафсил ўрганиш ва таҳлил қилиш бугунги кунда долзарблик касб этмоқда. Демак, миллий қонунчиликка мувофиқ инвестиция фаолияти субъектлари деб ўзига тегишли бўлган маблағларининг мулкӣ қиймати ва унга бўлган ҳуқуқлари ҳамда инвестиция кўринишидаги интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга оширувчи шахслар эътироф этилади.

Маълумки, халқаро инвестиция фаолияти субъектлари ҳуқуқий ҳолатининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Амалда чет эл инвесторининг ҳуқуқий ҳолатини аниқлашда “инвесторнинг миллати” билан боғлиқ муаммолар вужудга келади. Мазкур муаммо миллий қонунчилик ёки инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган давлатлар ўртасидаги халқаро шартномалар орқали тартибга солинади.

Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро шартномаларда давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан қўлланиладиган юрисдикциясини аниқлаш масаласига ойдинлик киритади. Шу билан бирга кўпинча бундай шартномаларда юридик шахснинг миллати иккала давлатнинг юридик шахс миллатини аниқлаш бўйича халқаро хусусий ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ равишда белгиланади³.

С.П.Мороз инвестор ҳуқуқий мақомининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини санаб ўтади, хусусан:

-инвестиция сифатида фойдаланиши мумкин бўлган моддий ва номоддий неъматларнинг мавжудлиги;

-инвестиция киритиш тўғрисидаги мустақил қарорлар қабул қилиш;

-инвестиция фаолиятини амалга ошириш қобилияти ва имконияти (инвестицияни реализация қилиш бўйича муайян амалий ҳаракатни бевосита ва билвосита амалга ошириш);

- инвестиция объектини, инвестиция киритиш шакли ва ҳажмини танлаш ҳуқуқи⁴.

Инвестор ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг энг муҳим жиҳати, уларнинг муайян мақсад ва “манфаат”ларининг мавжудлиги бўлиб ҳисобланади.

Инвестор манфаати банкдаги омонотлар ва облигациялар бўйича олинадиган фоизлар, акциядан олинадиган дивидендлар, пенсия омонотларининг шарномавий асослари бўйича пенсия тўловлари ва бошқа муайян моддий неъматлардан олинадиган эҳтиёжлардан иборатдир. Бинобарин, объект

сифатида инвестор учун манфаат барча турдаги ашёвий мулклардан олдин пайдо бўлади.

Шундай қилиб, чет эл инвесторининг ҳуқуқий ҳолати қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини мажмуини аниқлайди. Чет эл инвесторлари ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, инвестиция фаолиятини амалга оширадиган ҳудуддаги мамлакат қонунчилиги билан тартибга солинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборат бўлади.

Инвестициявий муносабат субъектлари таркибини тегишли ҳуқуқларга эга бўлган жисмоний, юридик шахслар ва давлат ташкил этади, объектлари эса давлатлараро келишувлар ва ички меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган предметлар ҳисобланади.

Чет эл инвестори деб эътироф этилган шахслар доирасини аниқлаш муҳим амалий аҳмиятга эгадир, жумладан биринчидан, шахсга ички қонунчилик ва халқаро шартномаларда белгиланган тегишли ҳуқуқ ва имтиёزلарни бериш уни чет эл инвестори деб топишга боғлиқ бўлади; иккинчидан, чет эл инвесторининг мақоми хўжалик фаолиятини юритишга рухсат беришда ва уни рўйхатдан ўтказишда аҳамиятга эгадир; учинчидан, агарда шахс муайян давлат инвестори деб топилса, давлат билан тузилган халқаро шартномаларда назарда тутилган кафолат ва шарт-шароитлар ҳамда инвестор мансуб бўлган давлат томонидан дипломатик ҳимоя тадбиқ этилиши мумкин.

Инвестициявий муносабат иштирокчиларининг таркибига тўхталадиган бўлса, “инвестиция фаолиятининг муҳим иштирокчиси инвестор томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ваколати берилган инвестиция фаолиятининг субъекти **бюортмачи** бўлиб ҳисобланади. Бюортмачи бир пайтнинг ўзида инвесторнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин ва инвестиция лойиҳасини тўғридан тўғри амалга оширади ҳамда унинг ваколатлари доираси инвестор билан тузилган шартнома асосида аниқланади. Бюортмачининг инвестиция фаолиятининг бошқа барча иштирокчилари билан ўзаро муносабати шартномавий асосларда ҳам ўрнатилган бўлади”⁵.

Инвестиция жараёни иштирокчилари инвестиция фаолияти объектларидан фойдаланувчилар бўлиб ҳисобланади. Фойдаланувчи - унинг учун инвестиция фаолияти объектлари яратиладиган субъект. Фойдаланувчилар инвесторлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва муниципал органлар, чет эл давлати ва халқаро ташкилотлар бўлиши мумкин.

Ўз навбатида С.П.Морознинг таъкидлашича, “инвестициявий ҳуқуқий муносабатнинг асосий, лекин ягона бўлмаган субъекти инвестор ҳисобланади. У билан бир қаторда инвестициявий муносабатларда давлат ўз органлари билан ёки бевосита эмитентлар ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа субъектлари ҳамда инвесторлар билан ушбу фаолиятни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларга киришувчи шахслар иштирок этади”⁶.

¹ А.Г.Богатырев Инвестиционное право. – М.: Российское право, 1992. – Б. 22.

² С.С.Гулямов Правовое регулирование иностранных инвестиций в Республике Узбекистан: Дисс...канд.юрид.наук. – Т., 2002. – 57.

³ А.Тынель, Я.Функ, В.Хвалеи Курс международного торгового права. – Мн.: Амалфея. – Б. 566 – 567.

⁴ С.П.Мороз Инвестиционное право: учебное пособие. 2-е изд.. – Алматы: Юрист, 2004. – Б.93 – 94.

⁵ М. Е. Ковешников Правовое регулирование иностранных инвестиций в Российской Федерации. – М.: Норма, 2001. – Б.14.

⁶ С.П.Мороз Инвестиционное право: Учебное пособие. 2-е изд.. – Алматы: Юрист, 2004. – Б.83.

Халқаро ҳуқуқий тизимда баъзи бир ҳуқуқшунос олимларлар ҳуқуқ яратувчи субъектлар ва ҳуқуқни қўлловчи субъектларни бир-биридан фарқни қуйидаги тарзда ажратиб кўрсатади:

- ҳуқуқ яратувчи субъектлар ва шу билан бирга ҳуқуқни қўлловчи субъектлар нормани қўллашда амалий жиҳатлари бўлмаган ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида иштирок этадилар;

- ҳуқуқ ижодкорлиги қобилиятига эга бўлмаган, фақатгина ҳуқуқни қўлловчи субъектлар¹.

Инвестиция ҳуқуқига нисбатан қўлланиладиган биринчи тоифага чет эл инвестициясини қабул қилувчи давлат, халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар киради, масалан инвестиция низоларини ҳал қилувчи Халқаро марказ, инвестиция кафолати бўйича кўп томонлама Агентлик; иккинчисига эса барча чет эл инвесторларнинг хилма хиллиги бўлиб, уларга ҳўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа юридик шахслар, шу жумладан трансмиллий корпорациялар киради. Ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг иккинчи тоифасига халқаро нодавлат ташкилотларни ҳам киритиш мумкин.

Шунингдек, энг муҳими бозор иқтисодиётига ўтишда инвестициявий ҳуқуқий муносабатларнинг асосий иштирокчилари етарлича кенгроқ доирадаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиб ҳисобланади². Тадбиркорлик фаолиятига савдо ташкилотлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон (фермер) ҳўжаликлари киради.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестицияси тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида белгиланишича, “Ўзбекистон Республикасида чет эл инвесторлари деб топиладиган шахслар доирасига чет эл давлати, ҳорижий ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар киради”³

Агарда ҳорижий мамлакатларда инвестиция фаолияти субъектларини аниқлаш бўйича қонунчиликка муружаат қилинса, масалан РФ қонунчилигида чет эл инвестори сифатида қуйидагиларни:

- фуқаролик ҳуқуқий лаёқати у таъсис этилган мамлакат қонунчилигига кўра белгиланадиган ва кўрсатилган давлат қонунчилиги асосида Россия Федерацияси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл юридик шахси;

- фуқаролик ҳуқуқий лаёқати у таъсис этилган мамлакат қонунчилигига кўра белгиланадиган ва кўрсатилган давлат қонунчилиги асосида Россия Федерацияси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл ташкилоти;

- фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқати унинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонунчилигига кўра белгиланадиган ва кўрсатилган давлат қонунчилиги асосида Россия Федерацияси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл фуқароси;

- фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқати унинг доимий яшаш жойи бўлган мамлакат қонунчилигига кўра белгиланадиган ҳамда кўрсатилган давлат

қонунчилиги асосида Россия Федерацияси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатдан ташқарида доимий равишда яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс;

- Россия Федерациясининг халқаро шартномасига мувофиқ ушбу давлат ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ташкилот;

- федерал қонунлар билан белгиланадиган тартибга мувофиқ чет эл давлатини кўрсатиш мумкиндир⁴.

“Чет эл инвесторлари”нинг юқорида кўрсатилган таркиби Қозоғистон ва Арманистон Республикаларининг чет эл инвестицияси тўғрисидаги қонунларида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, тарафларнинг тегишли атамаларига изоҳ берган инвестицияни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги давлатлараро шартнома (келишув)ларга эътибор қаратиш лозим. Эслатиб ўтамизки, миллий (ички) қонунчилик ва халқаро шартномалар ўртасидаги атамалар шарҳида тафовутлар келиб чиққанда, албатта халқаро шартномаларга устунлик берилади.

Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Швеция Қироллиги Ҳукумати ўртасида 2001 йил 29 майдаги инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги битимда ҳам “инвестор” атамаси исталган Аҳдлашувчи Томонга нисбатан:

а) бир Аҳдлашувчи Томоннинг ўз қонунларига мувофиқ унинг фуқаролигига мансуб бўлган исталган жисмоний шахсни;

б) шу Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган исталган юридик шахсни;

в) шу Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилмаган, лекин унда шу Аҳдлашувчи Томоннинг инвестори устувор фоизга эга бўлган исталган юридик шахсни билдиради, агар бир Аҳдлашувчи Томоннинг инвестори инвестицияларни бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига а), б) ёки в)ларда белгилангандек амалга ошираётган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси билан Польша Республикаси ўртасида 1995 йил 11 январдаги инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимда “инвестор” атамаси ҳар бир Аҳдлашувчи Томонга нисбатан:

а) ушбу Аҳдлашувчи Томонлар давлатининг фуқаролиги мавжуд бўлган жисмоний шахслар;

б) асосий ҳўжалик фаолиятини амалга оширадиган ва ўзининг яшаш жойи мавжуд бўлган ҳудудида давлат қонунчилигига мувофиқ тузилган юридик шахслар, шу жумладан жамиятлар, корпорациялар, ҳўжалик ширкатлари ва тегишли тартибда бошқа кўринишда ташкил этилган ташкилотларни билдиради.

Тақдим этилган субъектларнинг ҳар бирини ҳуқуқ лаёқати масаласини кўриб чиқамиз, хусусан:

- *чет эл давлатлари, чет эл давлатининг маъмурий ёки ҳудудий бошқарув органлари*. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ушбу ҳолатда инвестициявий муносабатлар иштирокчиси сифатида

¹ Международное право / Масъул муҳаррир Г.В. Игнатенко, О.И. Тиунов. – М., 2000. – Б. 47.

² М. Е.Ковешников Кўрсат.асар – Б. 10.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 1998. №5-6 Б. 91.

⁴ Закон «Об иностранных инвестициях в Российской Федерации» от 09.07. 99 г. – Юридическая информационная система «Эталон». Версия от 2010 года.

давлат номидан иштирок этувчи бошқарув ва ҳокимият органлари, чет эл давлати, унинг органлари ҳамда уларнинг мулки фақатгина давлат суверен функцияларини, яъни *jure imperii* ҳаракатларини амалга оширгандагина эга бўлиши мумкин бўлган чекланган иммунитет концепцияси қўлланилади. Агарда давлат хўжалик хусусиятидаги ҳаракатларни бажарганда (ташқи савдо битимлари хулосаси, концессия ва бошқа келишувлар), яъни *jure gestiones* ҳаракатларида иммунитетдан фойдаланмайди¹. Бошқача айтганда, давлат хусусий ҳуқуқий муносабатларда иштирок этганда, ўзини хусусий шахс ҳолатига кўяди, унга нисбатан даъво кўзғатилиши мумкин ҳамда мулкига нисбатан эса мажбурий чоралар жорий этилади;

- давлатлар ўртасидаги келишувларга ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил этилган ёхуд халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти ҳисобланадиган халқаро ташкилотлар. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми ва иммунитетидан одатда уларнинг уставида белгиланади, буни ушбу ташкилотлар Инвестиция фаолиятида иштирок этаётганида инобатга олиш лозим;

- чет эл давлати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган ва ҳаракат қиладиган юридик шахслар, исталган ширкатлар, ташкилотлар ёки ассоциациялар. Юридик шахс таъсис этилган мамлакат қонуни унинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида юридик шахс категориясида чет эл инвестицияларига тегишли ҳеч қандай мезонлар белгиланмаган;

- чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элда доимий яшаб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланган жисмоний шахслар. Жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати унинг шахсий қонуни, яъни шахснинг фуқаролик қонуни, агар гап фуқаролиги бўлмаган шахс ҳақида бораётган бўлса, ушбу шахс доимий яшаган мамлакат қонуни, агар гап қочоқ ҳақида бораётган бўлса, унга бошпана берган мамлакат қонуни билан белгиланади.

Шу билан бирга чет фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқ лаёқатидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фойдаланадилар ва бу ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасида уларга миллий тартибни тақдим этишни англатади, “Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно”(ЎЗР ФКнинг 1169-м).

Э.Ешмуратов
ТДЮИ тадқиқотчиси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

Республикада олиб борилаётган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати жамятда ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришиш ва фуқаролар конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш воситаларидан бири сифатида муайян ваколатларга эга бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолиятига таянади. Ушбу ижтимоий ҳимояни рўёбга чиқарувчи субъектлар фаолияти давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишга қаратилган.

Қорақалпоғистон республикасида ижтимоий ҳимояни амалга оширувчи умумий ваколатларга эга бўлмиш субъектлар қаторига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши киритамиз. Ушбу субъектлар Қорақалпоғистон Республикаси парламенти ва ҳукумати сифатида ижтимоий ҳимоя масалаларига оид қонун ва қарорлар қабул қилиш, давлат дастурларини тасдиқлаш, тегишли ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўли билан ижтимоий ҳимояни амалга оширади. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояни бевосита амалга оширилиши билан шуғулланувчи субъектлар қаторига Қорақалпоғистон Республикасининг Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу субъектлар махсус ваколатларга эга бўлиб аҳоли ижтимоий ҳимоясида етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, ҳокимликлар) ҳам ўз ваколатлари доирасида ҳамда ўз ҳудудларида ижтимоий ҳимоялаш масалалари билан шуғулланадилар. Бошқа барча вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда идоралар ҳам ўз ваколатлари доирасида у ёки бу даражада ижтимоий ҳимоя масалалари билан шуғулланадилар. Булар орасида айниқса Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолияти алоҳида бўлиб, ҳудуднинг экологик оғир шароитидан келиб чиқиб ижтимоий ҳимояга экологик ёндашув устувор аҳамият касб этади.

Республикада амалга оширилаётган сиёсат ижтимоий характерга эга, зеро барча олий ваколатли органлар ижтимоий-иқтисодий соҳада жадал сиёсат олиб бормоқдалар. Қуйида биз бу субъектларнинг барчасини кўриб чиқамиз.

Аҳолини бозор муносабатларига ўтиш шароитида кучли ижтимоий ҳимоя қилишда қонун чиқарувчи орган – Қорақалпоғистон Республикасининг парламенти Жўқорғи Кенгес етакчи мавқени эгаллайди. Қонунчилик ҳокимиятининг ушбу масалада етакчи мавқени эгаллаши бир қатор омиллар билан белгиланади ва бу омиллар Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқади. Хусусан, Конституциянинг 70-моддаси 3-бандига кўра,² Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий ва

¹ М.М.Богуславский. Регулирование иммунитета государства в законодательстве стран СНГ// Хозяйство и право, – 2000. – №9. – Б.86.

² Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. – Нукус: Қорақалпоғистон, 2006. – 62 б.

ижтимоий ривожланишининг давлат стратегик дастурларини қабул қилади, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатига оид асосий йўналишлар, унинг мазмун-моҳияти Жўқорғи Кенгес, яъни қонунчилик ҳокимияти органи томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ўзининг кундалик амалий фаолияти давомида қонунлар қабул қилиш билан шуғулланар экан, жумладан, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунлар қабул қилиш орқали бу масалада бевосита иштирок этади, давлатнинг қўйи ижроия органлари томонидан ижтимоий ҳимояга оид давлат тадбирларини амалга оширишнинг зарур ҳуқуқий негизлари яратиб берилади.

Айнан Жўқорғи Кенгес тимсолидаги қонун чиқарувчи ҳокимият янги бозор иқтисоди шароитларида шахснинг ижтимоий ҳимояланганлик муаммосини ҳал этишга қаратилган қонунчилик базасини мустақамловчи тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Кейинги йиллар давомида Жўқорғи Кенгес томонидан ижтимоий ҳимоялаш соҳасида бир қанча қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар қаторига Қорақалпоғистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” 1993 йил 6 августдаги Қонуни, “Таълим тўғрисида” 1997 йил 15 декабрдаги Қонуни, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1997 йил 25 июндаги Қонуни, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” 1994 йил 17 июндаги Қонуни, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” 1998 йил 28 ноябрдаги Қонуни, “Давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида” 1992 йил 14 декабрдаги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари киради.

Жўқорғи Кенгес қонун қабул қилиш билан бирга, уларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини ҳам олиб боради. Яъни ижтимоий ҳимояга доир қонун ҳужжатларининг амалиётда қўлланилиши, бажарилишини таҳлил этиш Жўқорғи Кенгес фаолиятининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси кўмита ва комиссиялари тўғрисида”¹ги қонуннинг 2-моддасига кўра кўмита ва комиссияларнинг асосий вазифасига Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг ва Жўқорғи Кенгес қарорларининг бажарилишини назорат қилиш юклатилган. Бунга асос Жўқорғи Кенгеснинг тегишли кўмиталари ижтимоий ҳимояга доир қонун ҳужжатларининг Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, шунингдек, ҳокимликлар, корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан қандай ижро этилаётганлигини доимий равишда назорат қилиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ижтимоий ҳимояга оид ваколатлари Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида”²ги, ва “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси кўмита ва комиссиялари тўғрисида”³ги Конституциявий қонунларига асосланади. Ушбу қонунларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни

амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи эканлиги, у Конституцияга мувофиқ ўз ваколатига берилган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ҳуқуқига эгаллиги, Конституция ва бошқа қонунларни қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг давлат стратегик дастурларини қабул қилиш, вазирликлар, кўмиталар ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ваколатига эга эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, Жўқорғи Кенгес давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи органи сифатида республикага тегишли барча масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлиб, вазирликлар билан қонун чиқариш функциясини амалга оширишда соҳавий жипс алоқада бўлади. У республика манфаатига оид давлат, иқтисодиёт, ижтимоий, маданий ва бошқа ҳар қандай масалани муҳокама қилиш ва ҳал қилишда вазирликни жалб қила олади.

Жўқорғи Кенгес фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг амалга оширилишини, мулкчилик муносабатларини, халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий қурилишнинг бажарилишини ташкил қилиш, бюджет тизимини, солиқ солишни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ва табиий бойликлардан фойдаланиш ва бошқа муносабатларни қонун йўли билан тартибга солади.

Умуман Жўқорғи Кенгеснинг ижтимоий ҳимояга оид ваколатлари қўйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

Биринчидан, ижтимоий ҳимояга доир қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва қабул қилиш;

Иккинчидан, қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Демак, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда Жўқорғи Кенгеснинг ўрни алоҳида бўлиб, унинг фаолияти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва уни кафолатлашга қаратилгандир.

Аҳоли ижтимоий ҳимоясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга. Унга ижро этувчи ҳокимият сифатида нафақат қонунлар ижросини таъминлаш вазифаси, балки умумдавлат даражасида иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий ва маданий ҳаётни бошқариш юзасидан белгиланган стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришни ташкил этиш, жамиятда барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш вазифаси ҳам юклатилгандир.

Бугунги кунда Вазирлар Кенгаши ижтимоий ҳаётни бошқариш соҳасида, шу жумладан фуқароларни ижтимоий таъминлаш, муҳтож шахсларга зарур ижтимоий кўмак кўрсатиш юзасидан кенг миқёсли улкан ишларни амалга оширмоқда ҳамда амалдаги қонунлар ижросини таъмин этиш, унга оид зарур ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий чораларни кўриш йўли билан давлат ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини рўёбга чиқармоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳуқуқий ҳолатининг асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 86-91-моддаларида мустақамланган. Унга кўра Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумати ҳисобланиб у ўз фаолиятини демократия, қонунийлик

¹ Қарақалпақстан Республикаси Нызамлар жыйнағы. – Нукус: Қарақалпақстан, 1996-ж. -130 б.

ва яккабошчиликка асосланиб Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга оширади. Шунингдек, Вазирлар Кенгаши республиканинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва бошқармалари билан доимий алоқаларни амалга оширади. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши 1999 йил 15 январдаги 18/1 сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий Ваколатхонаси тўғрисида”ги Низомини қабул қилди. Бу Низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий Ваколатхонаси фаолият кўрсатаяпти. Ушбу Ваколатхона Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари, идоралари ва бошқа ташкилотлари билан хўжалик ҳамда маданий муносабатлар бўйича кундалик алоқаларни амалга оширувчи ташкилий-ҳуқуқий тузилма ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йўналтириб туради. 1993 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни¹ билан белгиланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси – Ҳукумат бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Кенгашининг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ваколатлари Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясида, “Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши тўғрисида”ги 1998 йил 29 январдаги янги таҳрирда қабул қилинган қонунда² белгиланган.

Конституциянинг 86-моддасида: “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши – Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати – Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи – бошқарувчи органидир” -деган норма мустаҳкамлаб қўйилган.³

87-моддага кўра: “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг бошқа қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарорлари ижросини таъминлайди.”

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотнома-си, 1993 й., N 5, 202-модда

² Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши маълумотлари // <http://www.sovminrk.gov.uz>.

³ Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. – Нукус: Қорақалпоғистон, 2006. – 70 б.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг асосий органи сифатида Ҳукуматнинг ваколатлари ҳамда ҳаракат доирасининг ўзига хосликлари “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилган. Ушбу қонунга кўра Вазирлар Кенгаши ўз ваколатлари доирасида: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратди; хўжалик юриштининг янги шаклларини барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади; республикада пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради, республика бюджетини, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг ижросини ташкил этади;

бошқарув идоралари тизимини такомиллаштиради, ҳар хил вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралари ва хўжалик тузилмаларини ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида Жўқорғи Кенгесига таклифлар беради; фан ва техникани ривожлантириш чора-тадбирларини, шунингдек, табиий бойликларини муҳофаза қилиш, улардан самарали фойдаланиш бўйича дастурларни амалга оширади; фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради; соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантиришнинг ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга ёрдамлашади; давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларини ва манфаатини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади; республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, табиий офатларнинг оқибатларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўради; Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради.

Вазирлар Кенгашининг ижтимоий ҳимоя функциясини белгилашда ижтимоий соҳадаги қонунлар алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу қонунларда Вазирлар Кенгашининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш ва шу соҳаларни ташкилий бошқариш борасидаги ваколатлари кўрсатилган. Шундай қонунлар жумласига Қорақалпоғистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида”ги ва “Таълим тўғрисида”ги қонунларни киритиш мумкин. Масалан “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги ваколатларига бағишланган бўлиб, унга кўра Вазирлар Кенгаши фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириб давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариши белгиланган. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига

кўра: “Қорақалпоғистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилишда давлат бошқарувини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши амалга оширади.” Шунингдек, “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддаси ва “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси Вазирлар Кенгаши ваколатларига бағишланган.

Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Конституциясининг 90-моддасига асос: “Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг бошқа қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиб, Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудда ижро қилиниши шарт бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради” ва шу орқали ижтимоий ҳимояни амалга оширувчи давлат органлари механизмида иштирок этади. Ушбу қарор ва фармойишлар ижтимоий ҳимоя соҳасида давлат ва жамоат бошқарув тизимларини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя тури ва шаклларини ўзгартириш, имтиёзлар жорий этиш ва бошқа масалаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Бундай норматив актлар жумласига “Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Қорақалпоғистон Республикаси ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий марказини ташкил этиш тўғрисида”ги, “«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросини жадаллаштириш, дастур ижросида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қошидаги Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича мувофиқлаштирув Кенгашини қайта тузиш тўғрисида”ги, “Қорақалпоғистоннинг чўл ва сувсиз ҳудудларида ишга белгиланган коэффициентларни қўллаш тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қарор ва фармойишларини кўрсатиш мумкин.

Вазирлар Кенгаши ўз иш фаолияти давомида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётнинг алоҳида соҳаларини ва тармоқларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, республика бюджетидан маблағлар ажратиш билан боғлиқ қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича эса – Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Умуман Вазирлар Кенгаши қабул қилган норматив ҳужжатларда қонунларда белгиланган қоидаларни янада ривожлантириб, ижтимоий муносабатларни батафсил тартибга солувчи қоидаларни белгилайди ва шу соҳадаги қонунларнинг бажарилишини таъминлайди.

Вазирлар Кенгашининг давлат ижтимоий сиёсатидаги яна бир ваколатларидан бири шу соҳадаги субъектлар фаолиятини ташкилий

бошқарувидадир. Яъни у вазирликлар фаолиятини мувофиқлаштириб ва йўналтириб боради, вазирлик ҳақидаги низомларни тасдиқлайди, вазирлик ходимлари жадвали ва маблағ билан таъминланишини белгилаб беради, вазирларнинг ўринбосарларини лавозимига тайинлайди ва озод этади ҳамда вазирликга ҳайъатлар аъзоларини тасдиқдан ўтказди, вазирликларни ташкил этиш ёки тарқатиб юбориш (тугатиш) борасида Жўқорғи Кенгес ва унинг Раёсатига тақлиф киритади. Шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви тузилмаларининг фаолияти устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади, агарда улар қабул қилган актлар амалдаги қонунларга зид бўлган ҳолларда, уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга.¹

Демак, Вазирлар Кенгаши давлат ҳокимиятининг олий бошқарувчи органи сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги фаолият шакллари хилма-хил бўлиб, улар куйидагича амалга оширилади:

- ҳуқуқий нормалар ижодкорлиги йўли билан;
- ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуд миқёсида ижтимоий ҳимоялашга оид бўлган дастур ҳамда режаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини ташкилий жиҳатдан таъминлаш йўли билан;
- ижтимоий ҳимоя мақсадлари учун молиявий маблағларни шакллантириш ва йўналтириш орқали;
- ижтимоий ёрдамга муҳтож шахсларни аниқлашнинг умумий мезонларини белгилаб бериш, ижтимоий ҳимоя ва ёрдам кўрсатишнинг умумий принципларини ишлаб чиқиш йўли билан;
- аҳолини ижтимоий ҳимоясини амалга оширилиши чоғида турли давлат ва нодавлат органлари ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда идора қилиш орқали.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг барчаси у ёки бу даражада ижтимоий ҳимоя масалалари билан шуғулланади. Бироқ бир қатор вазирлик ҳамда давлат идоралари мавжудки, уларнинг асосий фаолияти аҳолининг кенг табақалари ижтимоий ҳимояланишини, моддий турмуш, маданий-маиший шароитларини яхшилаш, уларнинг турмуш кечириш кўрсаткичларини юксалтиришдан иборат.

Бундай вазирликлар ва идоралар жумласига, энг аввало, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими каби вазирликлар ва бошқа тармоқ марказий бошқарув идоралари киради. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги давлат ижтимоий ҳимоясини бевосита амалга оширувчи ҳамда шу соҳадаги барча ишларни ташкил этувчи ва мувофиқлаштирувчи орган сифатида катта мавқеига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан 2010 йил 9 феврал 24/2 сон қарори билан тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида”ги Низомга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги меҳнат, бандлик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги сиёсатни амалга оширувчи республика давлат бошқаруви ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, Вазирлар Кенгашига ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини

¹ Қорақалпоғистон Республикаси «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонун, 1998 йил (12 модда) 7-бет.

ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига бўйсунди. (Бу ерда Ўзбекистон Республикасининг соҳавий вазирлиги Қорақалпоғистоннинг шу номдаги вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштириш характерлидир.)

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ва қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қарорлари ва фармойишларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қарорлари, буйруқлари ва фармойишларига амал қилади.

Қуйидагилар вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли устуворликларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- меҳнат бозорини ривожлантириш ва бошқариш, аҳолининг бандлиги, шу жумладан хорижда ишлашини таъминлаш, демографик омиллар ва иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг илғор шаклларини жорий этиш бўйича самарали чора-тадбирларни таёрлаш;

- банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларга, биринчи навбатда ёшларга, аёлларга, имкониятлари чекланган шахсларга уларни профессионал қайта таёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича, шунингдек ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

- ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ва аҳолининг бошқа заиф тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича амалий ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш;

- меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни, меҳнат муносабатлари, меҳнатни моддий рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

“Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида”ги Низомга кўра вазирлик тизимига туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, Хўжайли аёл-қизлар “Мурувват” уйи, Чимбой эркаклар “Мурувват” уйи, “Тахياتош” Уруш ва Меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳи, Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Нукус Бюроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги 433 сонли қарори ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1997 йил 17 мартдаги 63 сонли фармойиши асосида Нукус туманида ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий маркази киради.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги ҳам Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан бир қаторда ижтимоий сиёсат ва ижтимоий ёрдам муаммолари билан шуғулланади.

Вазирликнинг 1993 йил 20 июлдаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 189/7 сонли қарори билан тасдиқланган Низомда унинг бир қатор ваколатлари кўрсатилган. Шулардан маънавий-маърифий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, мамлакатнинг тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган миллий мустақиллик ғояларини амалга ошириш; жамиятда таълим ходимларининг ижтимоий мақомини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш; болалар ва ўсмирларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш; болалар спорти ривожлантирилишини таъминлаш сингари вазифалари давлат ижтимоий ҳимоясида устувор аҳамият касб этади.

Ижтимоий таъминот ва ёрдам соҳасида вазирликнинг асосий фаолияти вояга етмаган ва қаровсиз болаларга қаратилган бўлиб, бунда вазирликка қарашли Хўжайли “Меҳрибонлик” болалар уйининг (унда 147 нафар бола тарбияланмоқда) аҳамияти катта. Шунингдек, болаларни мактабгача муассасаларда тарбиялашга оид муносабатлар (407 та мактабгача тарбия муассасаларида 31 мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда) ҳам шулар жумласидандир.

Шу билан бирга Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликдаги ваколатлари ҳам мавжуд. Масалан Қорақалпоғистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” 1993 йил 6 августдаги қонунининг 19-моддасига кўра: “Халқ таълими идоралари соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот идоралари билан биргаликда ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари тарбиясини, ногиронларнинг касб тайёргарлигини, ногиронларни тиклашнинг яқка тартибдаги режасига мувофиқ улар умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим олишини таъминлашга мажбурдирлар”¹.

Ҳар қандай ижтимоий ҳимояда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам устувор аҳамиятга эга. Қолаверса, Оролбўйи шароитида бу жудаям долзарбдир. Бундан келиб чиқадики аҳоли ижтимоий ҳимоясини амалга оширувчи субъектлар орасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги алоҳида ўринга эга.

Маълумки, фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий тамойилларидан бири аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши, соғлиғини йўқотган тақдирда уларга ижтимоий ёрдам қилинишидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, заиф ва ёрдамга муҳтож фуқароларга имтиёзли тарзда тиббий хизматлар кўрсатиш, бу соҳада тегишли норматив ҳуқуқий базани ривожлантириш йўли билан ижтимоий ҳимоя ишларида қатнашади.

Қорақалпоғистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1997 йил 25 июндаги

¹ Қарақалпақстан Республикаси Нызамлар жыйнағи. – Нукус: Қарақалпақстан, 1996-ж. -54 б.

Қонунга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги зиммасига аҳоли соғлиғини сақлаш ва уларни тиббий-ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қуйидаги вазифалар юклатилган:

– соғлиқни сақлаш ва тиббий суғуртанинг норматив базасини, тиббий ёрдам сифати ва ҳажми давлат стандартларини ишлаб чиқишда қатнашади;

– барча тиббий муассасаларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади;

– фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида мақсадли давлат дастурларини амалга оширади;

– давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини ташкил этади;

– тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашни белгиланган тартибда амалга оширади;

– давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббий хизматлар тарифлари даражасини тартибга солади;

– Қорақалпоғистон ҳудудида қўлланишга рухсат этилган дори воситалари ва препаратларини стандартлаштириш ва сертификация қилишни амалга оширади.

Аҳоли соғлиғи потенциали миллий бойликнинг муҳим таркибий қисми ва маданиятли жамиятнинг фундаментал хусусиятларидан бири ҳисобланади. Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш хизматини ҳар томонлама ривожлантириш жамият тараққиётининг муҳим шarti ва ижтимоий ривожланиш даражасининг интеграллашган кўрсаткичидир.

Аҳоли соғлиғининг тадқиқ қилиш жараёнида касаллик турларининг атроф-муҳит ифлослиги билан қанчалик боғлиқлиги тўғрисида аниқ ҳулоса чиқариш лозим. Хаво, ичимлик суви, тупроқ, ўсимлик оламининг зарарли моддалар билан ифлосланганлиги умуман экологиянинг ёмонлашуви аҳоли соғлиғига ўз навбатида унинг ижтимоий ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Масалан, Оролбўйида экологик вазиятнинг ёмонлашиши минтақада экотизим мувозанатининг бузилишига олиб келди, сув ресурслари тақчиллигини кучайтирди. Бу эса минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароити ва соғлиғига, биологик хилма хилликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Демак бундан кўринадики, аҳоли ижтимоий ҳимоясида табиатни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ҳам сезиларли салмоққа эга ва бугунги кун уларнинг фаолиятини кучайтиришни тақозо этмоқда. Чунки «ижтимоий ҳимоя кенг талқин этилганда амалдаги барча конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликлар: мулк ҳуқуқи, иш билан таъминлаш ҳуқуқидан тортиб то шахс дахлсизлиги ва экологик хавфсизликкача бўлган ҳуқуқларни ҳимоялаш зарурати мавжуд бўлади».¹ Бизнингча, ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон шароитида аҳоли ижтимоий ҳимоясида атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикасида атроф-табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг аҳоли ижтимоий ҳолатига салбий таъсири илмий асосланган ҳамда атроф-табиий муҳитни сақлашга, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишга ҳамда аҳоли экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган экологик сиёсат юритишни тақозо қилмоқда. Чунки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан 2006-йил 3-мартда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига кўра: “Ҳар бир шахс ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.” Ушбу қонуннинг 3-моддасига кўра: “Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишдир.”

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида асосий ваколатли орган Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси бўлиб, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” қонуннинг 11-моддасига асос Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига бўйсунди ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади. Ушбу Қонуннинг 31-моддасига кўра Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги қазилма бойликлардан фойдаланиш бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ер ресурслари бошқармаси махсус ваколатли табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳисобланади.

Айни пайтда соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳолда ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозим.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш лозимки, бозор муносабатларига ўтиш босқичида мамлакатимизда давлат ижтимоий ҳимояси устувор мавқени эгаллаши лозимлиги объектив заруриятдир ва шу сабабли унинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш қонуниятларини илмий тадқиқ этиш, давлат ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий базаси ва уни амалга оширувчи субъектлар фаолиятини янада такомиллаштириб бориш бош вазифалардан бўлиб саналади.

¹ Қаранг: Аналитический вестник. №15. М., 1997, с.17.

И.Р.Рустамбеков
ТДЮИ ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистонда ахборот ва ахборотлаштириш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган энг асосий, бирламчи манба бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи марказий ўринни эгаллайди. Конституцияга биноан:

“Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас” (ЎзРес Конституцияси 27-моддаси).

Конституциянинг ушбу моддасидаги қоидалар, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Ушбу конституциявий қоида шахснинг шаъни ва қадр қиммати; шахсий номлуқий ҳуқуқларини қўриқлаш ва ҳурмат қилиш; шахсий ҳаёт ва уй-жой дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шаън ва қадр қимматни қўриқлар экан, уларни, биринчи навбатда, фуқаровий, маъмурий, жинсий-ҳуқуқий воситалар билан қўриқлашга кафолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддасига асосан, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақлидир. Демак, фуқаролик қонунчилигига кўра фуқаро, агар ёлғон ахборотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, ўзининг шаъни ва қадр-қимматини қораловчи ахборотларни олиб ташлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шундан келиб чиқадиги, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя этиш ҳақидаги талабларини қондириш учун учта шартнинг мавжудлигини аниқлаш зарурдир. Жумладан: 1. Ахборот бадном қилувчи бўлиши керак (ҳақиқатан обрўсига путур етказилган бўлса); 2. Ахборот ёлғон бўлиши керак (маълумотларнинг ёлғонлиги аниқланса); 3. Ахборот тарқатилган бўлиши керак (ахборот, маълумот ҳақиқатан тарқатилган бўлса).

Шахсга нисбатан ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шаъни ва қадр қимматини таҳқирловчи ахборотлар тарқатилса, у суд орқали ҳимояланишни талаб қилиш ҳуқуқини олади. Бу эса тарқатувчига агар, у бундай ахборотларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, уларни рад этиш мажбуриятини юклайди.

Шаъни ва қадр-қимматига путур етказилган фуқаро ушбу маълумотларни раддия қилиш билан бир қаторда, унинг тарқатилиши натижасида ўзига

етказилган зиён ва маънавий зарарни қоплаш талабини қўйиши мумкин.

Фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан таҳқирлаш ҳаракатларини қонун маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида баҳолайди. Бундай ҳолатларда айбдор тўхмат ёки ҳақорат қилганлиги учун маъмурий ёки жиний жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фуқароларнинг шахсий муносабат усуллари, яъни алоқа воситаларидан фойдаланишларида дахлсизлик ҳуқуқи шундак иборатки, қонунда тўғридан-тўғри кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳеч кимнинг шахс иродасига зид ҳолда унинг ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотлари билан танишига ҳаққи йўқ. Фуқароларнинг ҳаётини қўриқлаш мақсадида у ҳақидаги ахборотларнинг тарқалмаслигини таъминлаш учун ахборотлар алмашишининг маълум тартиби ўрнатилган. Шу мақсаддагина маълум ҳуқуқий-мъёрий воситалар орқали хат ҳизишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотларининг сир сақлаш доираси, ахборотларнинг мазмуни ёки уларнинг бор-йўқлиги ёхуд қайси тилда, ким билан гаплашилгани, кимни чақиргани ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин. Шахсий ахборотнома билан танишиш фақат тегишли ваколатга эга тор доирадаги шахслар томонидан қонунда кўзда тутилган мезон ва тартиблар асосида амалга оширилади.

Конституциянинг 29-моддасида куйидаги қоида акс этган:

“Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин” (ЎзРес Конституцияси 29-моддаси).

Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, барча маълумотларни қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи фуқароларга давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхона ва ташкилот ҳамда муассасаларга таклиф, ариза ёки шикоят билан мурожаат қилиш орқали жамоат ва давлат фаолиятини бошқаришда фаол қатнашиш имконини беради.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш тўғрисидаги ҳуқуқларининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда кўрсатилган.

Барча маълумотларни олиш ва тарқатиш, агарда улар мавжуд конституцион тузумга қарши йўналтирилган бўлса, шунингдек, улардан инсониятнинг тинчлиги ва ҳавфсизлигига, демократияга путур етказиш ва жамиятнинг манфаатларига қарши мақсадларда фойдаланмоқчи бўлган тақдирда ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш учун амалга оширилмоқчи бўлган тақдирда таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида” қонунда давлат сирлари тоифалари аниқланган ва улар ҳақидаги маълумотларни олиш ва тарқатиш чегараланган. Қонунга асосан давлат манфаатига дахлдор ёки бошқа сирларни сақлаш ниятида сўз эркинлиги ва уларни баён қилиш ҳуқуқи чекланган. Бундай чеклашнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азмэхўжаев. –Т.: Ўзбекистон, 2008.

шарт эканлиги давлат сирларини ошкор қилишнинг, сиёсий ва иқтисодий мустақилликка, давлатнинг муҳофаа кудратига, давлат ва жамиятнинг бошқа ўта муҳим манфаатларига зарар етказиши мумкинлиги билан асосланади.

Давлат сирларини сақлаш бундай сирларга эга бўлган барча давлат идоралари, корхоналар, бирлашмалар ҳамда мансабдор шахслар ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мажбуриятидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маълумотларни қидириш, олиш ва тарқатиш кабқ ўз ҳуқуқидан фойдаланаётган пайтда жамиятга ва бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар етказмасликлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи мустақамланган. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқаришда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутлади. Бизда ҳар кимнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Конституцияга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун талабларини бузишда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Муҳаррир ёки журналист оммавий ахборот воситасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни тарқатганлик учун, агар маълумотлар: расмий хабарлардан олинган бўлса; ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизмати орқали олинган бўлса ёхуд муаллифнинг олдиндан ёзиб олинмай, тўғридан-тўғри эфирга берилаётган нуқталарида айтилган бўлса, жавобгар бўлмайди.

Конституциянинг 30-моддасида Ўзбекистоннинг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлигини қайд қилади. Шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари томонидан қабул қилинган, фуқароларнинг ҳуқуқи ва манфаатига дахлдор ҳуқуқий қоидалар билан таништириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи Конституциянинг тегишли моддаларидан ташқари, асосан, фуқаролик, хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи нормаларида белгиланган.

Конституция томонидан фуқароларга берилган ҳуқуқ ва манфаатларга оид бўлган ҳужжат ҳамда материаллар билан танишиш ҳуқуқига кўра, ҳужжат ва материаллар қайси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда манфаатларига тегишли бўлса, ўша фуқароларгина ушбу ҳужжат ва материаллар билан танишиб чиқишлари мумкин.

Юқорида кўриб чиқилганлардан кўриниб турибдики Конституция ва унинг нормаларида ахборот ва ахборотлаштириш соҳасининг асоси бўлмиш

қоидалар мустақамланган ҳамда улар фуқароларимизга қатор ҳуқуқларни таъминлаб беради. Шулар билан бир қаторда ушбу ҳуқуқларни янада кенгроқ таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

**Юридик фанлар номзоди Аминжонова Матлуба
Ахмедовнинг “Суғурта шартномаси
тарафларининг мажбурияти ва жавобгарлиги”
номли монографиясига**

Т А Қ Р И З

Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта хизмати бозорини ривожланган давлатлар қаторига кўтариш мақсадида суғурта фаолияти қонунчилик тизимини тубдан ислоҳ қилиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва бу ишлар изчиллик билан давом эттириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устивор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарорига мувофиқ ҳамда суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғуртачиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, шунингдек суғурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2011 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1544-сонли Қарори қабул қилиниб,¹ ушбу қарорга кўра, суғурта фаолияти турларига қараб, суғуртачиларнинг устав капитали минимал миқдорларини 2012 - 2014 йиллар мобайнида босқичма-босқич, табақалаштирилган тарзда ошириб бориш тўғрисидаги чора-тадбирлар белгиланганлиги ҳам Республика раҳбарияти томонидан суғурта хизматлари самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий мижозларнинг ҳам ишончини қозона оладиган юқори малакали аудиторлик, суғурта, лизинг компаниялари ва бозор инфратузилмаси бошқа хизматларнинг молия бозорида етакчи мавқега эга бўлиши учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим”¹.

Чунки, суғурта хизмати кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик ва хўжалик фаолияти юритишнинг зарур шартларидан саналади.

Суғурта фаолиятини сифатини ошириш бу хизматга бўлган талабни ортишига имкон яратади. Бу эса ўз ўрнида суғурталовчилар ва суғурта қилдирувчилар ўртасидаги ҳуқуқ ва бурчларнинг тўғри тақсимланишига ва уларнинг ижросига узвий боғлиқдир. Ана шу жиҳатдан суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, бу мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун қўлланиладиган жавобгарликнинг ҳуқуқий асосларини илмий тадқиқ этиш ва мавжуд муаммолар юзасидан асосли таклифлар бериш муҳим аҳамиятга эга.

М.А.Аминжонованинг “Суғурта шартномаси тарафларининг мажбурияти ва жавобгарлиги” номли монографияси ана шу масалаларга қаратилганлиги билан долзарб ҳисобланади.

Ушбу монографияда Ўзбекистон Республикасида босқичма-босқич ривожланиб келаётган суғурта хизматининг бозор иқтисодиётида туған ўрни, суғурта хизмати фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий тизим ва уни бугунги кунда суғурта шартномаси тарафларининг мажбурияти ва жавобгарлигини белгилашдаги аҳамияти, тарафларнинг мажбурияти ва жавобгарлигини белгилашга доир масалалар миллий ва хорижий давлатларнинг қонунчилигини чуқур илмий тадқиқ этиш орқали очиб берилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу монографияда миллий ҳамда хорижий давлатлар қонунчилигини қиёсий ўрганиш асосида, Ўзбекистон Республикасининг суғурта хизмати кўрсатиш боғлиқ тузиладиган шартномаси тарафларининг мажбурияти ва жавобгарлигига оид нормалари моҳият жиҳатдан теран ёритиб берилган. Муаллиф ушбу масалаларни ёритишда китобхонларга тушунарли бўлиши учун юртимизнинг таниқли олимларининг фикрлари билан бир қаторда, хорижий олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда ўз нуқтаи-назарини билдирган.

Монография тергов ва суд амалиёти ходимлари, илмий ходимлар, ўқитувчилар ҳамда олий ўқув юрти талабалари, магистрлар, аспирантлар ва бўлажак ҳуқуқшунослар фаолиятида ижобий самара бериши шак-шубҳасиздир.

Айни шу мақсадда М.А.Аминжонованинг “Суғурта шартномаси тарафларининг мажбурияти ва жавобгарлиги” номли монографияси кенг китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Юридик фанлар доктори

М.А.Усмонова

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 230-модда.

¹ И.А.Каримов. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишлари.-Т. 2008 Ўзбекистон. 150 –б.